

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

СТАТИСТИКА

Йўналиши

«МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ»

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2019

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ТДИУ и.ф.н., доц. А.Ҳ.Аюбжонов
ТДИУ катта ўқитувчи М.Ш.Аҳмедова
Тармоқ маркази бўлим бошлиғи Агзамов А.Т.

Такризчи: ТМИ, и.ф.н., доц. Х.Хўжақулов

*Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодийёт университети
Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	45
V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР	51
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ	52
VII. ГЛОССАРИЙ	66
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	75

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қароридаги, 2017 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Миллий ҳисоблар тизими модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Миллий ҳисоблар тизими” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- макроиктисодий кўрсаткичларга доир статистик масалаларни ечишни;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитини ўрганишда халқаро статистика амалиётида қўлланиладиган асосий категориялар ва тушунчаларни ёритишни;
- ялпи ички маҳсулот дефлятори ва инфляция даражаларини ҳисоблашни;
- турли иқтисодий статистик маълумотларни таҳлил қилишни;
- иқтисодиётнинг инновацион тараққиётининг илмий-амалий асосларини билиши керак.

Тингловчи:

- ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, соф миллий даромад, ихтиёрдаги даромад – макроиктисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш;
- тармоқлараро баланс тузиш услубиятини қараб чиқиш, Ўзбекистон статистика амалиётида миллий ҳисоблар тизими жорий қилиш муаммоларини ўрганиб чиқиш;
- аҳоли, меҳнат ресурслари ва уларни сони, таркиби, ҳаракати кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- ишсизлик, бандлик ва улар даражалари кўрсаткичлари ўрганиш;
- макроиктисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- миллий ҳисоблар тизими, унинг ҳисобламалари, таснифи ва тузилишини, ишлаб чиқариш, муомила харажатларини аниқлаш;
- ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисоблаш;
- инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда статистик усуллардан фойдаланиш;
- макроиқтисодий жараёнларни ифодалаш учун жаҳон статистика амалиётида қўлланадиган миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузиш принциплари ва услубиятини ўрганиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда махсус статистик усуллардан фойдаланишга оид **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларини тушунтириб бериш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- статистик кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- статистик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг статистик усулларини қўллаш олиш;
- ялпи ички маҳсулот дефляторини ва нарх индексларини ҳисоблаш;
- миллий ҳисоблар тизимида қўлланадиган асосий таснифлаш ва гуруҳлаш ва уларни иқтисодий таҳлилдаги аҳамиятини кўриб чиқиш, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, даромадларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишлатиш, истеъмол ва жамғарма жараёнларини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини баён этиш **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Миллий ҳисоблар тизими” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Агробизнес статистикаси”, “Молиявий дастурлаш”, “Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш”, “Тизимли таҳлил усуллари” ва “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соати					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари	6	6	2	2	2	-
2.	Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари	4	4	-	2	2	-
3.	Ташқи дунё сектори ҳисобламалари	6	6	2	4	-	-
Жами:		16	16	4	8	4	-

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос сифатида.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларининг таркиби. Ички иқтисодиёт ва унинг секторлари ҳисобламалари. Жорий операциялар ҳисобламалари (ишлаб чиқариш ҳисобламаси, бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламалари, даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари). Жамғариш ҳисобламалари (сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси, активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламаси, қайта баҳолаш ҳисобламаси).

2-мавзу. Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари.

Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат). Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий

ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар). Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Асосий капитал истеъмоли. Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад).

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи. Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар. “Ташқи дунё”дан олинган ва “ташқи дунё”га тўланган мулк даромадлари: фоиз; корхона тақсимланган даромади; суғурта полислари эгаларига тегишли мулкдан олинган даромад; рента. Ялпи миллий даромад (ялпи бирламчи даромадлар қолдиғи).

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос сифатида.

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларининг таркиби. Ички иқтисодиёт ва унинг секторлари ҳисобламалари. Жорий операциялар ҳисобламалари (ишлаб чиқариш ҳисобламаси, бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари, даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламалари, даромадлардан фойдаланиш ҳисобламалари). Жамғариш ҳисобламалари (сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси, активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар ҳисобламаси, қайта баҳолаш ҳисобламаси).

2-амалий машғулот.

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари.

Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ялпи қўшилган қиймат). Ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидиялар (маҳсулотлар учун субсидиялар, ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялар, импорт учун субсидиялар). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи (ялпи иш ҳақи, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий таъминотга ҳақиқий ажратмалари, ижтимоий таъминотга ҳисобланган шартли ажратмалар). Маҳсулот ва импорт учун солиқлар (маҳсулотлар учун солиқлар, ишлаб чиқариш учун бошқа солиқлар, импорт учун солиқлар). Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Асосий капитал истеъмоли. Иқтисодиётнинг соф фойдаси (соф фойда ёки соф аралаш даромад).

Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Иқтисодиёт ялпи фойдаси (ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад). Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи. Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар. “Ташқи дунё”дан олинган ва “ташқи дунё”га тўланган мулк даромадлари: фоиз; корхона тақсимланган даромади; суғурта полислари эгаларига тегишли мулкдан олинган даромад; рента. Ялпи миллий даромад (ялпи бирламчи даромадлар қолдиғи).

3-амалий машғулот.

Ташқи дунё сектори ҳисобламалари.

Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар импорти. Товар ва хизматлар экспорти. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ.

Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Товар ва хизматлар бўйича қолдиқ. Товар ва хизматлар импорти. “Ташқи дунё”га тўланган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: норезидент ёлланма ходимлар меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар. “Ташқи дунё”дан олинган бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар: резидент ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи; ишлаб чиқариш ва импорт учун соф солиқлар; мулкдан олинган даромадлар; жорий трансфертлар.

Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари. Жорий операциялар бўйича қолдиқ. “Ташқи дунё”дан олинган капитал трансфертлар. “Ташқи дунё”га тўланган капитал трансфертлар. Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларни соф хариди. Соф кредитлаш ёки соф қарз олиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада “Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари” ҳамда “Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари” мавзуларида жами 4 соат кўчма машғулотлар назарда тутилган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалашни, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршилиқларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


• Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Тоифали жадвал
 Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).
 - ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.
 - тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.


Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ҳақ маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдими

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олиншига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга ҳалақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида акс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга

ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳациз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ ҲИСОБЛАМАЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ.

- 1. Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари.**
- 2. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос эканлиги.**
- 3. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби.**

Калит сўзлар: Икки ёқлама ёзиш принципи, ялпи миллий даромад, миллий бойлик, товарлар ва хизматлар йиғмасчёти, ялпи ишлаб чиқариш.

1. Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари.

Миллий ҳисоблар тизимида счётлар муҳим ўрин тутди. Улар резидент институцион бирликлар ўртасида бўладиган ўзаро иқтисодий операцияларни қайд этиш учун ишлатилади. қайд этилаётган операциялар резидент ва норезидент институцион бирликлар ўртасида бўлаётган иқтисодий операцияларни ҳам қамраб олади. Счётдаги ёзувлар системада қабул қилинган тармоқ, сектор (қуйи сектор) ва бошқа классификациялар бўйича (ҳар бир иқтисодий операция бўйича эмас) операциялар гуруҳлари (ялпи ишлаб чиқариш, истеъмол, экспорт ва ҳ.к.) бўйича умумлашган ҳолда ёзиб борилади. Айрим ёзувлар икки иқтисодий бирлик ўртасидаги операциялар натижалари бўлмай, табиий офат ёки инфляция жараёнлар оқибатида активларнинг ўзгариши натижаларини ифода қилади. Бундан ташқари, бир қанча кўрсаткичлар иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва аналитик ҳисоблаш асосида топилиб, счётларда ёзилади. Масалан: қўшилган қиймат, жамғарма, бирламчи даромад кўрсаткичлари баланс методи бўйича жами ресурслар ва уларнинг ишлатилиши ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб топилади. Миллий ҳисоблар тизимида энг муҳим кўрсаткичлар агрегатлар деб юритилади. Бунга мисол сифатида Ялпи ички маҳсулот, Ялпи миллий даромад, Миллий бойлик кўрсаткичларини келтириш мумкин.

2. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос эканлиги.

Счётларнинг ёзилиш шакли бухгалтерия счётларига ўхшаш. Улар Т-кўринишда бўлиб, унинг бир томонида ресурсларни, иккинчи томонида уларнинг ишлатилишини ифода қиладиган кўрсаткичлар ёзиб борилади. Счётларнинг икки томони ҳар доим баланслаштирилади. Баланслаштириш 2 хил усул билан амалга оширилади: 1-баланс усули, яъни счётнинг ишлатилиши

тарафига баланслаштирувчи кўрсаткич ёзилади. Бу кўрсаткич кейинги счётага ресурс сифатида ўтказилади. Масалан, ишлаб чиқариш счётида қўшилган қиймат кўрсаткичи баланслаштирувчи кўрсаткич сифатида аниқланади ва кейинги даромадларнинг ҳосил бўлиши счётига ресурс сифатида ёзиб қўйилади. 2-усул 1-усулдан фарқ қилади. Бу усулда счётларнинг ресурс ва ишлатилиши таркибида келтирилган иқтисодий кўрсаткичларнинг йиғиндилари бир-бирига тенг келиши лозимлиги асосида тузилганлиги, ўз-ўзидан бу счётларни мувозанатлаштиради. Бундай счётага мисол тариқасида **Товарлар ва хизматлар йиғма** счётини келтириш мумкин. Бу счётнинг ресурслар ва ишлатилиши кўрсаткичлар таркиби шундай танланганки, уларни тўғри ҳисоблаб топилганда иккала томон ўзаро мувозанатлашади. Лекин, амалиётда кўрсаткичларни аниқлаш манбалари турли ва кўрсаткичларни ҳисоблашда эксперт баҳолаш усуллари қўлланилгани сабабли ”ресурслар” ва “ишлатилиши” кўрсаткичлари йиғиндилари бир-бирига ҳар доим ҳам тенг (ёки яқин) бўлавермайди. Орадаги фарқ одатда статистик хатолик деб аталади. Бу хатоликни катта-кичиклигига қараб, ҳисобларнинг қандай даражада аниқ бажарилганлигини билиш мумкин.

3. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби.

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодиёт секторлари, тармоқлари, ташқи дунё ва бутун мамлакат иқтисодиёти бўйича турли счётлар тузилади.

Иқтисодиёт секторлари бўйича жорий счётлар, жамғариш счётлари, активлар ва пасивлар баланслари тузилади.

Жорий счётларга қуйидаги счётлар киради:

ишлаб чиқариш;

даромадларнинг шаклланиши;

бирламчи даромадлар тақсимоти;

даромадларнинг қайта тақсимоти:

- *пул ҳолидаги даромадларни қайта тақсимлаш;*

- *натура ҳолидаги даромадларнинг қайта тақсимоти;*

ихтиёрдаги пул даромадларининг ишлатилиши;

тузатилган ихтиёрдаги даромаднинг ишлатилиши.

Жамғариш счётлари қуйидагилардан иборат:

капитал харажатлар (операциялар) счёти;

молия счёти;

активлар ва пасивларда бошқа ўзгаришлар счёти:

а) актив ва пасив ҳажмларида бошқа ўзгаришлар счёти;

б) актив ва пасивларни қайта баҳолаш счёти.

Активлар ва пасивлар балансларига қуйидагилар киради:

давр бошига активлар ва пасивлар баланси;

давр охирига активлар ва пасивлар баланси.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фақат 2та счёт: ишлаб чиқариш ва даромадларни шаклланиши счётлари тузилади.

Ташқи дунё сектори бўйича **жорий операциялар счёти, капитал харажатлар счёти ва молия счёти** тузилади.

Мамлакат миқёсида юқорида келтирилган барча счётлар билан биргаликда **товарлар ва хизматлар йиғма счёти** тузилади.

4. Ишлаб чиқариш концепцияси – миллий ҳисоблар тизимини назарий асоси эканлиги.

Иқтисодий ишлаб чиқариш деганда, ишлаб чиқарувчи бирлик томонидан меҳнат, маблағ, товар ва хизматлар сарфлари натижасида бошқа турдаги товар ёки хизматни яратиб, истеъмолчига (пул ёки товар эвазига, ёки бепул) йетказиб бериш жараёни тушунилади.

Иқтисодий ишлаб чиқариш натижасида товарлар ва хизматлар яратилади. Уларни бир-биридан фарқлаш учун уларнинг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Товарлар - эгалик ҳуқуқи тарқатилиши мумкин бўлган физик предметлардир. Товарлар моддий бўлганлиги учун уларни сақлаш мумкин. Товарларга истеъмол талабининг бўлиши катта аҳамиятга эга. Агар уларга истеъмол талаби бўлмаса, улардан ҳеч қандай наф бўлмайди. Улар ҳар доим ҳам ишлаб чиқарилган даврларида сотилавермайдилар. Шу сабабли бу омилни товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаётганда эътиборга олиш зарур.

Хизматлар - истеъмолчи талаби асосида бажариладиган ҳар хил фаолият турлари ҳисобланади. Хизматларни сақлаб бўлмайди. Улар аксарият истеъмолчиларга бевосита кўрсатилади. Хизматлар бошқа бирликлар томонидан эҳтиёж бўлганда бажарилади. Хизматлар натижасида хизматни олувчида ва унинг буюмларида турли хил ўзгаришлар бўлиши мумкин. Масалан: а) буюмларни таъмирлаш натижасида буюм яроқли ҳолга келади; б) даволаш натижасида унинг саломатлиги ўзгаради; в) маориф хизмати натижасида унинг билими ошади; г) суғурта натижасида иқтисодий ҳолати турғунлиги таъминланади ва ҳ.к.

Умуман айтганда, характери иқтисодий фаолият нуқтаи назардан маънога эга бўлмаган жараёнлар иқтисодий ишлаб чиқариш ҳисобланмайди. Бундай жараёнларга қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

а) инсон иштирокисиз табиий жараёнлар натижасида товарларнинг кўпайиши;

б) инсоннинг ўзига ўзидан бошқалар қилолмайдиган фаолиятлар (овқат ейиш, спорт билан шуғулланиш ушлаш ва ҳ.к.),

в) ташқи омилларни таъсири, яъни ташқи омиллар (инфляция, валюта курслари, баҳолар ўзгариши) натижасида активлар қийматининг ўзгариши;

г) ўғирликлар, порахўрлик ва таъмагирлик;

д) бозор ишлаб чиқарувчиларнинг ўз биноларини ижарага беришлари.

5. Миллий ҳисоблар тизимида ишлаб чиқариш соҳасининг чегаралари ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

Иқтисодий ишлаб чиқариш кўлами жуда кенг ва ранг-баранг. Уни ҳисобга олиш анча мураккаб ва кенг қамровли масала ҳисобланади. Бу масалани бироз соддалаштириш мақсадида миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш бирмунча чегараланган. 1993 йилда амалиётга киритилган миллий ҳисоблар тизимида қуйидаги фаолиятлар аслида характериға кўра иқтисодий ишлаб чиқариш бўлса ҳам, улар ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинмайди:

- уй хўжаликлари аъзолари томонидан ўзлари ва уй хўжалиги аъзолари учун бажариладиган хизматлар (уйни саранжом ва саришта ушлаш билан боғлиқ ишлар, таом тайёрлаш, кир ювиш, дазмол қилиш ва х.к.);

- уй аъзолари томонидан истеъмол товарларини таъмирлаш (дазмол, радио, телевизор ва шу кабилар);

- уйни енгил таъмирлаш ишлари;

- уй хўжалиги аъзоларига транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

Амалий ҳаётимизда иқтисодий ишлаб чиқариш қуйидаги фаолият турларидан иборат:

- бошқа бирликларга сотиш, ўзининг истеъмоли ва асосий капиталини кўпайтириш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш;

- номолия хизматлар кўрсатиш;

- молия ташкилотларининг фаолиятлари;

- давлат бошқарув идораларининг фаолиятлари;

- жамоат ташкилотларининг фаолияти;

- уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи уй хизматчиларининг фаолияти;

- уй-жой эгаларининг уйларни ҳолатини сақлаш ва яхшилаш бўйича юритган фаолиятлари (таъмирлаш, капитал таъмирлаш, реконструкция ва қўшимча хоналар қуриш).

6. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият турларини тармоқлари ва секторлар бўйича таснифлаш.

Мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларининг қанчалик даражада таркиб топганлигини ва бу муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига асосланиб қурилган ҳар қандай иқтисодиётда ҳам, иқтисодиётнинг шундай жабҳалари борки, уларнинг бозори йўқ ёки бу соҳаларда рақобат муҳитини яратиш имкони йўқ. Мисол тариқасида бу соҳаларга армия, милисия, давлат ҳавфсизлик ва бошқарув идораларининг хизматларини келтириш мумкин. Бундан ташқари, давлат аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, айрим товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, уларни ишлаб чиқариш харажатларидан анча паст нархларда ёки бепул тарқатади, хизматларни бепул ёки хизмат харажатларидан анча паст нархларда кўрсатади. Одатда, бундай

ишлаб чиқариш бирликларининг олдига қўйган мақсади, товарларни сотишдан ва хизматларни кўрсатишдан фойда олиш эмас. Уларнинг мақсади аҳолига ёки аҳолининг айрим гуруҳларига ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади. Бу бирликлар, олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра, товар ва хизматларини ишлаб чиқарувчи ва эркин бозор баҳоларида сотувчи бирликлардан кескин ажралиб турадилар. Бундан ташқари, одатда бундай бирликлар маҳсулот учун тўланадиган солиқлардан озод қилинган бўладилар.

МХТда характерига кўра бозор учун товар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш соҳалари *бозор ишлаб чиқариш* сифатида ҳисобга олинади. Характерига кўра бозор ишлаб чиқариш бўлмаган ишлаб чиқариш соҳалари *нобозор ишлаб чиқариш* сифатида ҳисобга олинади. *Нобозор ишлаб чиқаришни* бозор ишлаб чиқаришдан фарқлаш учун қуйидаги белгилардан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқарувчи бирликнинг мақсади фойда олиш эмас;
- ишлаб чиқарилган товар ёки хизматларни истеъмолчига йетказилгандан олинган даромад, шу товар ёки хизматни ишлаб чиқариш ва йетказишга кетган сарф-харажатларни тўла қопламаслиги.

Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи бирликнинг ўзининг пировард истеъмоли учун ишлаб чиқарган товар ва хизматлари (уй хўжалигининг ўзи истеъмоли учун йетказган маҳсулоти, ўзи томонидан бажарилган капитал таъмирлаш), нобозор ишлаб чиқариш фаолиятини бажариш мақсадида захирага келиб тушган маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми нобозор ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинади.

Бозор ишлаб чиқариш қуйидаги белгилар билан характерланади:

- ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни бозор баҳоларида сотилиши;
- ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни бошқа товар ёки хизматларга бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда алмашиш (бартер операциялари).

Бундан ташқари, бозор ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ходимларига иш ҳақи сифатида берган товарлар ва кўрсатган хизматлари, тайёр маҳсулот захирасига тушган маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва асосий капиталнинг йиғилмаси миқдорлари ҳам *бозор ишлаб чиқариш* таркибига киради.

7. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий операцияларни таснифлари.

Иқтисодий операциялар. Институцион бирликлар ўртасидаги ҳар қандай иқтисодий маънога эга бўлган муносабатлар – иқтисодий операциялар дейилади. Иқтисодий операциялар икки бирлик ўртасида бўлади ва иккала бирлик бу муносабатни иқтисодий операция сифатида қайд этади. Масалан, А бирлик В бирликка 1000 сўмлик товарни сотди. Бу товар айирбошлаш операцияси ҳисобланади. Агар, А бирлик резидент институцион бирлик, В - норезидент бўлса бу операция А учун экспорт В учун эса импорт операцияси ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётда минглаб институцион бирликлар мавжуд. Улар ўртасида миллионлаб операциялар бажарилади. МХТда

операцияларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки маълум тартибда гуруҳланган ҳолда тармоқ ва секторлар миқёсида қайд этилади.

Иқтисодий операциялар куйидагича гуруҳланади:

- товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш, ишлатиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ операциялар;

- даромад тақсимоти ва қайта тақсимот операциялари;

- молия инструментлари билан боғлиқ операциялар(молия активлари ва пасивларига эга бўлиш, уларнинг ўзгариши, кредитлар олиш ва бериш, қарзларни тўлаш, дивидендлар ва фоизлар олиш ва тўлаш, қарздан воз кечиш, актив ёки пасивларнинг инфляция ва валюта курслари ўзгариши натижасида ўзгариши ва ҳ.к.);

- фавқулодда рўй берадиган ҳодисалар, табиий офатлар, урушлар натижасида активларнинг ўзгаришини ифодаловчи бошқа операциялар.

Операцияларга мисол қилиб, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш, тармоқ ва секторлар ўртасидаги товар ва хизматларни айирбошлаш, улар ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ички иқтисодиёт секторлари билан норезидент бирликлар(ташки дунё сектори) ўртасидаги экспорт, импорт, инвестициялар айирбошлаш, уларни қайтаришкаби амалиётларни кўрсатиш мумкин.

Операцияларни қайд этишда *оқимлар ва захираларни* фарқлаш лозим.

Оқимлар - кузатилаётган маълум бир даврдаги иқтисодий ўзгаришларни ифодаловчи операциялардир. Масалан, товар ва хизматни айирбошлаш, актив ва пасивларнинг ўзгаришини ифодаловчи операциялар, маълум бир даврдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ёки олинган (ёки берилган) даромадларнинг миқдорини қайд этувчи операциялар оқимларга мисол бўла олади.

Захиралар эса – иқтисодий ва социал ўзгаришларни маълум бир санадаги ҳолатини ифодаловчи операциялардир.

Мисол тариқасида, омбордаги маҳсулотларнинг ой бошидаги ёки охиридаги ҳолатини, асосий капиталнинг маълум санадаги ҳолатини, аҳолининг йил бошидаги ва охиридаги ҳолатини, мамлакатнинг олтин ва валюта захираларининг маълум бир санадаги ҳолатини ифодаловчи операцияларни келтириш мумкин

Одатда операциялар икки бирлик ўртасида бўлади. Масалан, бир бирлик иккинчи бирликка товар ёки бошқа активни берса, иккинчи бирлик бунинг эвазига бошқа активни (шу товар қийматига тенг пул, товар, хизмат) беради ёки шу товар қиймати миқдорида қарз(мажбурият) бўлади. Бундай характердаги операциялар икки томонлама операциялар дейилади. Бу операцияларда ҳар доим бир томоннинг иккинчи томонга *талаби* орца, ўз навбатида иккинчи томоннинг биринчи томон олдида *мажбурияти* ортади.

Иқтисодиётда шундай операциялар борки, бу операцияларда бир бирлик иккинчи бирликка ўз товар ва хизматларини, бошқа активларини берганда эвазига иккинчи бирликдан ҳеч нарса талаб қилмайди, яъни биринчи бирликнинг *талаби*, иккинчи бирликнинг эса – *мажбурияти* ортмайди. Бу характердаги операциялар **трансфертлар** дейилади.

Назорат учун саволлар

1. Миллий ҳисобчиликнинг халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги роли нимадан иборат?
2. Миллий ҳисоблар тизими ва ХХБ тизимларининг предмети нимадан иборат?
3. Миллий ҳисоблар тизими ва ХХБ тизимлари ўртасидаги асосий фарқлар нималардан иборат?
4. Нима учун ХХБ ҳисобот тизимини бозор иқтисодиёти шароитида қўллаб бўлмайди?
5. МҲТ ва ХХБ тизимларида ишлаб чиқариш тушунчаси қайси жиҳатлар билан фарқ қилади?
6. Бозор муносабати деганда нимани тушунасиз?
7. Бозор муносабатларининг шаклланганлигининг асосий белгилари нималардан иборат?
8. МҲТда иқтисодий ишлаб чиқариш қандай жараён? Унга мисоллар келтиринг.
9. Нима учун хизматлар кўрсатиш иқтисодий ишлаб чиқариш саналади?
10. Товарлар ва хизматлар ўртасида қандай тафовутлар бор?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.
2. 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
3. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 с.
4. N.M.Soatov, X.Nabiev, D.Nabiev, G.N.Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2009. – 568 bet.
5. Nabiyev X., Nabiyev D.X. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: Aloqachi, 2009. 512 bet.
6. Национальное счетоводство. /Под ред. Б.Н.Башкатова. – М.: ФиС, 2009.
7. Ю.Н.Иванов и др. Система национальных счетов – инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие/ Под редакцией Ю.Н.Иванова. - М.: Финстатинформ, 2006.
8. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

2-мавзу. БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБЛАМАЛАРИ

1. Миллий ҳисоблар тизимида даромад тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.

2. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланадиган даромад кўрсаткичлари.

3. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ва унинг шакллари.

4. Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

5. Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

6. Мулкдан олинган даромад ва унинг шакллари.

Калит сўзлар: Товар ва номолиявий хизматлар, бирламчи даромадлар, ихтиёрдаги даромадлар, ўзгартирилган ихтиёрдаги даромадлар.

1. Миллий ҳисоблар тизимида даромад тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.

Иқтисодиётда қатнашувчи бирликлар ўз фаолиятларини юритиши учун маълум бир даромад манбасига эга бўлишлари мумкин. Маблағсиз иқтисодий фаолият юритиш мушкул. Ҳар турдаги институцион бирликлар учун даромад манбаи турлича бўлади. Масалан, бозор учун товар ва номолиявий хизматлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий даромад манбаи шу товар ва хизматларни сотишдан тушган тушумлардан, мулкдан олган даромадларидан ва трансфертлардан иборат бўлиши мумкин. Бир қарашда бу даромадларнинг ҳаммаси шу корхонаникидек кўринади. Аслида эса, корхона яратган даромадларининг бир қисминигина ўз ихтиёрида қолдириши ва ўзи хоҳлагандай ишлатиши мумкин. Яъни, корхона даромадининг кўп қисми бошқа бирликларга тегишли эканлигини яққол кўриш мумкин. Масалан, иш ҳақи ишчиларники, солиқлар давлат бошқарув идоралариники, ишлаб чиқаришда ишлатилган товар ва хизматлар сарфи эса шу товар ва хизматларни ишлаб чиқарган ишлаб чиқарувчи бирликларники. Бундан, шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай тушумлар ҳам шу бирликнинг даромади бўлавермайди.

2. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланадиган даромад кўрсаткичлари.

Миллий ҳисоблар тизимида даромадлар қуйидаги турларга бўлинади:

- бирламчи даромадлар;
- ихтиёрдаги даромадлар;
- ўзгартирилган ихтиёрдаги даромадлар.

Бирламчи даромадларга иқтисодий бирликларнинг ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашганликлари учун ва мулкдан олган даромадларига

айтилади. Бирламчи даромадлар таркибига иш ҳақи, солиқлар ва субсидиялар, фойда вааралаш даромад, олинган фоизлар ва дивидендлар киради.

Ихтиёрдаги даромадлар таркибига бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар салдоси киради.

Ўзгартирилган ихтиёрдаги даромад кўрсаткичи давлат бошқарув идоралари, уй хўжалиқлариғахизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар вауй хўжалиқлари секторлариғахос бўлган кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич, юқорида саналган секторлар “ихтиёрдаги даромад” кўрсаткичларини натура ҳолидаги трансферт операциялари ҳисобига ўзгаришини ифодалайди.

Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи бирликлар ўртасидаги айирбошлаш операцияларида бир бирлик учун даромад ҳисобланган операция иккинчи бирлик учун сарф-харажат ҳисобланади ёки аксинча бир бирлик сарф-харажат қилса, иккинчи бирлик учун даромад ҳисобланади. Демак, даромадлар билан сарфлар бир вақтда содир бўлади ва иккала бирлик сётларидаалоҳида - алоҳидаоперация сифатида қайд этилади.

3. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ва унинг шакллари

Бу сётда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш мобайнида яратилган бирламчи даромадларнинг ички иқтисодиёт ва ташқи дунё секторлари ўртасида тақсимланиши жараёни кўрсатилади. Сёт мамлакат миқёсида ва иқтисодиёт секторлари учун тузилади.

Бирламчи даромад деганда - институцион бирликларнинг бошқа бирликларнинг иқтисодий фаолиятида бевосита ва билвосита (молиявий ва ишлаб чиқарилмаган активлари билан) қатнашганликлари натижасида эга бўладиган даромадларини тушунамиз.

Бирликларнинг иқтисодий фаолиятида бевосита қатнашишлари қуйидаги белги ва сифатлар билан характерланади: ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи ва юритувчи сифатида, ёлланма меҳнатчи сифатида, иқтисодий фаолият юритиш учун ҳуқуқий базани яратувчи ва инфратузилмани шакллантирувчи сифатида.

Бирликларнинг иқтисодий фаолиятида билвосита қатнашишлари қуйидаги белги ва сифатлар билан характерланади: ўз активлари билан ишлаб чиқарувчи бирликнинг устав капиталини шакллантиришда қатнашиш, молия маблағларини келишилган муддатга бериш, асосий воситаларни молиявий лизинг асосида бериш, бирликнинг аксияларига ва қимматли қоғозларига эга бўлиш, ишлаб чиқарилмаган активларни бериш ва суғурта полисларига эга бўлиш.

Бирламчи даромадлар таркибига меҳнат ҳақи, соф солиқлар, фойда, аралаш даромад ва мулк учун даромад киради.

Қуйида бирламчи даромадларни характерловчи кўрсаткичларнинг маъносини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Меҳнат ҳақи уй хўжалиги секторининг бирламчи даромади ҳисобланади. Меҳнат ҳақи кўрсаткичи бу сётда мамлакатдаги барча резидент бирликларининг мамлакат иқтисодий ҳудудида ва ташқарисида ишлаб

чиқаришда кўрсатган фаолиятлари натижасида олган меҳнат ҳақларининг (иш ҳақи, мукофотлар, кўшимчалар солиқлар, мажбурий суғурта бадаллари ва фондларга тўловлар билан) йиғиндисидан иборат. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу кўрсаткич даромадларнинг шаклланиши счётидаги меҳнат ҳақи кўрсаткичидан фарқ қилади. Чунки, даромадларнинг шаклланиши счётида меҳнат ҳақи мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқаришда қатнашган резидент ва норезидент бирликларнинг меҳнат ҳақи йиғиндисидан иборат эди.

Соф фойда номолия, молия, давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг бирламчи даромади ҳисобланади. Миллий ҳисоблар тизими методологиясига асосан бирламчи даромад соф ҳолда ҳисобланиши тавсия этилади. Лекин, амалиётда асосий капиталнинг истеъмоли кўрсаткичини ҳисоблаш қийин бўлгани сабабли, соф фойда кўрсаткичи билан АКИ бирга қўшиб ҳисобланади. Ҳосил бўлган кўрсаткич **ялпи фойда** деб юритилади. Бу кўрсаткич, юқорида зикр этилган секторларнинг бевосита ишлаб чиқариш фаолиятлари натижасида эга бўлган даромадларидан иборат. Назарий жиҳатдан қараганда, унинг қиймати даромадларни шаклланиши счётидаги салдо кўрсаткичига тенг бўлади.

Аралаш даромад уй хўжаликларига тегишли нокорпоратив корхоналарнинг бирламчи даромади ҳисобланади. Кўрсаткичнинг “аралаш даромад” деб аталишига асосий сабаб, бу кўрсаткич таркибида меҳнат ҳақи ва ялпи фойда қўшилиб кетган бўлади ёки уларни алоҳида ҳисоблаш амалий жиҳатдан қийин бўлади. Масалан, уй хўжалигига қарашли устахонада ёлланган ишчилар билан биргаликда уй хўжалиги аъзолари фаолият кўрсатадилар. Ёлланган ишчилар иш ҳақи оладилар, уй хўжалиги аъзолари эса одатда иш ҳақи олмайди. Натижада, бундай корхоналарда фойда кўрсаткичи таркибида уй хўжалиги аъзолари томонидан олинмаган иш ҳақи ётга бўлади ва уни ажратишнинг зарурати бўлмайди. Шу сабабли, бундай корхоналарнинг фойда кўрсаткичи аралаш даромад деб юритилади.

Аралаш даромадни Миллий ҳисоблар тизими методологиясига кўра соф усулда ҳисоблаш тавсия этилади. Лекин, амалиётда уй хўжаликлари учун асосий капиталнинг истеъмоли кўрсаткичини ҳисоблаш қийин бўлгани сабабли, аралаш даромад таркибида АКИ ётган бўлади. Шу сабабли, бу кўрсаткични **ялпи аралаш даромад деб аташ методологик жиҳатдан тўғри бўлади**. Бу кўрсаткич, уй хўжалиги секторларининг бевосита ишлаб чиқариш фаолиятлари натижасида эга бўлган даромадларидан иборат. Назарий жиҳатдан қараганда, унинг қиймати уй хўжалиги секторининг даромадларни шаклланиши счётидаги салдо кўрсаткичига тенг бўлади.

4. Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Бу счёт мамлакат миқёсида, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари кесимида тузилади. Счётни тузишдан кўзланган мақсад, мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳамда иқтисодиёт секторлари ва тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг таркибини аниқлашдан иборат. Шу билан бирга,

счётдаги кўрсаткичлар ишлаб чиқаришда банд бўлган барча институцион бирликларнинг бирламчи даромадлари таркибини ифодалайди.

Счётни мамлакат миқёсида тузилиш схемаси қуйидагича:

Ишлатилиши	Ресурслар
2. Меҳнат ҳақи	1. Ялпи ички маҳсулот (охирги бозор баҳоларида) (1.1+1.2)
3. Бевосита ишлаб чиқариш учун соф солиқлар : - бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар; - бевосита ишлаб чиқариш учун субсидиялар (минус ишора билан)	1.1. Ялпи қўшилган қиймат (асосий бозор баҳоларида)
4. Асосий капиталнинг истеъмоли	1.2. Маҳсулот учун соф солиқлар - маҳсулот учун солиқлар - маҳсулот учун субсидиялар (минус ишора билан)
5. Соф фойда ва аралаш даромад, ҳаммаси Шу жумладан: 5.1. Шартли фойда	

Сётнинг ресурс қисмидаги ЯҚҚ кўрсаткичи ишлаб чиқариш сётидан ўтади. ЯҚҚ кўрсаткичи мамлакатдаги барча резидент институцион бирликларнинг асосий баҳоларда ҳисобланган қўшилган қиймат кўрсаткичларининг йиғиндисидан иборат бўлади.

Сётнинг ресурс қисмида келтирилган маҳсулот учун солиқ кўрсаткичи институцион бирликларнинг давлат секторига маҳсулот (хизмат)ни истеъмолчига йетказилаётганда маҳсулот (хизмат) бирлигига нисбатан тўланадиган солиқлардан иборат. Бу солиқ таркибига қўшилган қиймат, аксиз, импорт, экспорт солиқлари киради. Одатда бу солиқни истеъмолчи тўлайди.

Маҳсулот учун субсидиялар давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарганликлари ва экспорт ва импорт қилганликлари учун маҳсулот (хизмат) бирлигига нисбатан бериладиган субсидиялардан иборат.

Меҳнат ҳақи кўрсаткичи бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган “меҳнат ҳақи” кўрсаткичидан бирмунча фарқ қилади. Миллий ҳисоблар тизимида меҳнат ҳақи таркиби икки қисмдан иборат: 1) ишчи-хизматчиларга ёзиладиган иш ҳақи, уларга ишлаб чиқаришда қатнашганликлари учун бериладиган мукофотлар ва қўшимчалар даромад солиғи билан бирга; 2) иш ҳақидан (мажбурий) социал суғурта фондларига ажратма(сосстрах). Бу сётдаги *меҳнат ҳақи* таркибига ишлаб чиқаришда қатнашган барча резидент ва норезидент бирликларга иш берувчи бирлик томонидан меҳнат ҳақи сифатида қилган харажатлари киради.

Бевосита ишлаб чиқариш учун соф солиқлар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар ва иккинчи қисмда бевосита ишлаб чиқариш учун субсидиялар қайд этилади. Бевосита ишлаб чиқариш учун соф солиқлар бевосита ишлаб чиқариш учун тўланган солиқлардан олинган субсидияларни айириш орқали топилади. Бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар ишлаб чиқариш факторлари: ер, ишлаб чиқариш майдонлари, транспорт воситалари, ишчи кучи ва шу каби ишлаб чиқариш факторларига нисбатан қўлланилади. Одатда бу кўрсаткич соф ҳолда қайд қилинади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, мамлакат миқёсида даромадларни шаклланиши счётидаги бевосита ишлаб чиқариш ва маҳсулот учун субсидиялар минус ишора билан қайд этилади. Бу дегани, солиқлар соф ҳолда қайд этилади. Бунинг сабаби, мамлакат миқёсида субсидиялар янгитдан яратилган қиймат ҳисобланмайди ва ўз навбатида ялпи маҳсулот ва ЯИМ таркибига кирмайди.

Кейинги кўрсаткич асосий капиталнинг истеъмоли кўрсаткичи бўлиб, бу кўрсаткич ишлаб чиқаришда банд бўлган (ишлатилган) асосий фондларнинг (ишлаб чиқаришда 1 ва ундан ортиқ йил муддатда ишлатиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг) ишлаб чиқариш мобайнида йўқотган қийматини тиклаш учун керак бўладиган қийматдан иборат. Бу кўрсаткич Миллий ҳисоблар тизимида асосий воситаларни сотиб олинган вақтдаги бошланғич қийматида эмас, ишлатилган ҳисобот давридаги бозор баҳоларидаги қийматида эскирганлигини тиклаш учун кетадиган харажатлар миқдоридан ҳисобланади. Бу кўрсаткич, алоҳида ҳисобланган бўлмаса ($AKI=0$), фойда кўрсаткичи ялпи фойда деб, аралаш даромад - ялпи аралаш даромад деб ёзилади.

Соф фойда кўрсаткичи иқтисодиёт номолия ва молия секторларининг даромадларни шаклланиши счётидаги мувозанатлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, бирликларнинг маҳсулот учун солиқлар тўлагунча бўлган фойдасидан иборат. Агарда бу кўрсаткич ялпи усулда, яъни АКИ билан биргаликда ҳисобланган бўлса, ялпи фойда деб ёзилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аслини олганда давлат бошқарув идоралари ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторларига кирувчи бирликлар ўз маҳсулотларини бозорда сотмаганликлари учун, улар бирламчи даромад сифатида реал **соф фойда** олмайдилар. Лекин, бу секторга кирувчи бирликлар ўзларига қарашли (эгаллик қилаётган) ишлаб чиқариш биноларида фаолият кўрсатган бўлсалар **шартли ижара ҳақи** ҳисобланиб, бу секторнинг ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичи таркибига киритилган бўлади (ВИИ-бобнинг 2- бандига қаранг). Бундай ҳолларда, бу секторларнинг даромадларни шаклланиши счётида мувозанатлаштирувчи кўрсаткич **шартли фойда** кўрсаткичи юзага келади. Ўз навбатида, бу кўрсаткич бирламчи даромадлар тақсимоли счётининг ресурс қисмига ўтади.

Соф аралаш даромад уй хўжалиги секторига қарашли нокорпоратив корхоналарнинг даромадларни ҳосил бўлиши счётидаги мувозанатлаштирувчи

кўрсаткичдир. Агарда, асосий капиталнинг истеъмоли алоҳида ҳисобланмаган, яъни аралаш даромад таркибида ётган бўлса, у ялпи аралаш даромад деб ёзилади.

Бундан ташқари, соф аралаш таркибида ўз уйларида турган уй хўжалиklarининг шартли фойда кўрсаткичи ҳам ётган бўлади. Агарда бу кўрсаткични алоҳида кўрсатиш имкони бор бўлган ҳолларда, уни алоҳида кўрсатиш тавсия этилади.

5. Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Уй хўжалиги секторига мамлакатнинг резидент бирликлари бўлган уй хўжалиklари киради. Уй хўжалиги - ўзлари тасарруфидаги даромадларни биргаликда тасарруф этувчи алоҳида оила, оилалар гуруҳи ёки якка шахс бўлиши мумкин. Улар истеъмолчи, товар ва хизматни яратувчи, инвестор ҳамда ишчи кучини берувчи сифатида намоён бўладилар. Уй хўжалиklarининг ўз уйларидаги моддий маҳсулот ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш фаолияти Миллий ҳисоблар тизими ишлаб чиқариш концепсиясига асосан ишлаб чиқариш фаолияти деб тан олинган. Улар миллий даромад яратишда бошқа секторлар қатори тенг қатнашадилар. Бу секторга кирувчи бирликлар ўз маҳсулотларини бозорда сотадилар ёки ўзларининг якуний истеъмоли учун фойдаланадилар.

Уй хўжалиklари ўз фаолиятлари натижасида меҳнат ҳақи, аралаш даромад ва мулк учун даромад оладилар. Бундан ташқари, ўз уйларида истиқомат қилувчи уй хўжалиklари *шартли фойда* оладилар.

Юқоридаги мавзуларда айтиб ўтилганидек, шартли фойда - ўз уйларида яшаётган уй хўжалиklarининг *шартли ижара ҳақидир*. (Бу секторнинг ишлаб чиқариш счётида ижара ҳақи ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичи таркибига киритилган бўлади. Уй хўжалигининг шартли ижара ҳақи у яшаётган уйни ижарага олган (берган)да тўланиши мумкин бўлган қиймат миқдориди ҳисобланади. Бундай ҳолларда, бу секторнинг даромадларни шаклланиши счётида мувозанатлаштирувчи кўрсаткич - аралаш даромад билан биргаликда *шартли фойда* кўрсаткичи юзага келади. Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар (аралаш даромад ва шартли фойда) бирламчи даромадлар тақсимоти счётининг ресурс қисмига ўтади.

Уй хўжалиги секторининг мулк учун даромад кўрсаткичи уларнинг фонд бозоридаги даромадларидан, банк муассаларида сақланаётган жамғармаларига бериладиган фоиз тўловларидан, суғурта полиси эгалари оладиган суғурта мукофотларидан ва тўғри инвестор сифатида оладиган фойдаларидан иборат.

Шу билан бирга, уй хўжалиklари бошқалар мулкидан фойдаланган бўлсалар уларга мулк учун даромад тўлайдилар. Олган ва берган бирламчи даромадлари ўртасидаги фарқ, секторнинг бирламчи даромадлар салдоси ҳисобланади.

Бу ҳолат счёти кўринишида қуйидагича ифодаланади:

**Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи тижорат ташкилотлар сектори
бирламчи даромадлар тақсимоти счёти**

Ишлатилиши	Ресурслар
	1.Шартли фойда
4.Мулк учун даромадлар (бошқа иқтисодиёт секторларига ва ташқи дунёга тўлангани)	2.Мулк учун даромадлар (бошқа иқтисодиёт секторларидан ва ташқи дунёдан олингани)
4.1. Фоизлар	2.1. Фоизлар
4.2. Дивидендлар	2.2. Дивидендлар
4.3.Тўғри инвесторнинг фойдадаги улуши	2.3.Тўғри инвесторнинг фойдадаги улуши
4.4.Рента	2.4.Рента
4.5.Суғурта полисидан олинган даромад	2.5.Суғурта полисидан олинган даромад
5.Бирламчи даромадлар салдоси (1+2+3+4-5)	
Жаъми (4+5)	Жаъми (1+2+3)
Статистик хатолик	Статистик хатолик

6. Мулкдан олинган даромад ва унинг шакллари.

Резидент институцион бирликлар ўзларига қарашли бўлган молиявий ва номолиявий активларини норезидент бирликларга беришлари эвазига ташқи дунёдан даромад оладилар ёки аксинча норезидент институцион бирликлар ўзларига қарашли бўлган молиявий ва номолиявий активларини резидент бирликларга беришлари эвазига ташқи дунёдан даромад оладилар. Миллий ҳисоблар тизимида бу даромад – мулк учун даромад деб юритилади.

Мулк учун даромадлар таркибига фоиз тўловлари, дивидендлар, суғурта полиси эгаларининг мулк учун даромадлари ва рента.

Фоиз тўловлари - бир институцион бирлик иккинчи институцион бирликка ўз маблағларини вақтинчалик қарзга берганда юзага келади. Одатда бу қарзлар тижорат кредитлари, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар, молиявий лизинг операциялари кўринишида бўлади.

Тижорат кредитлари таркибига товар ва хизматларни айирбошлаш вақтида маҳсулотни йетказувчи томонидан маҳсулотни олувчига бевосита берилган кредитлар, олувчи томонидан маҳсулот учун аввалдан аванс (бўнак)лар тўлаш натижасида томонлар ўртасида пайдо бўладиган талаблар ва мажбуриятлар киради.

Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар таркибига кредиторнинг шартнома асосида қарздор (қарз олувчи)га шартномада кўрсатилган шарт ва муддатга берган пул маблағлари, кредитор томонидан қарздорнинг савдо битимларини (ишларини) молиялаштириши ҳамда халқаро молия ташкилотлари ва валюта фонди томонидан берилган кредитлар киради.

Кредитлар бевосита молия маблағларини бериш (кредит линиялари орқали) ва молиявий лизинг шартномалари асосида амалга оширилади. Молиявий лизинг шартномаларига кўра олувчи берувчига олинаётган активнинг қийматини шартномада кўрсатилган даврларда бўлиб-бўлиб тўлайди. Бу операцияни моҳиятига кўра, активни берувчи томонидан олувчининг харажатларини молиялаштирганлигига қиёслаш мумкин. Бундай операциялар одатда ишлаб чиқариш воситаларини олиш (бериш)да юзага келади. Масалан, самолётлар, тракторлар, автобуслар ва шу каби товарлар кўп ҳолларда молиявий лизинг шартномалари асосида амалга оширилади. Мисол учун, Ўзбекистон («Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси) чет элдан Боинг русумидаги самолётларни, Кейс тракторларини молиявий лизинг шартномалари асосида сотиб олган. Кредит сифатида олинган қарзлар учун то қарз узулгунча кредит ва молиявий лизинг шартномаларида кўрсатилган муддатларда ва миқдорда фоиз ва қарзни узиш тўловлари тўлаб турилади.

Юқорида келтирилган фоиз тўловлари юзага келадиган ҳолатлардан ташқари, қимматли қоғозларни (аксиялардан ташқари) қайтиб сотиб олиш (РЕПО) шартномалари ҳам қарз бериш (олиш) операциялари саналади. Бу операцияларда қимматли қоғозларни сотиш ва қайтиб сотиб олиш нархлари ўртасида фарқ бўлади. Бу фарқ асосида юзага келган қиймат қимматли қоғознинг эгаси учун фоиз тўлови ва қимматли қоғозни олувчи учун олинган фоизлар сифатида таснифланади.

Дивидендлар деганда, акционер институцион бирликларнинг ўз маблағларини корпорациялар ихтиёрига бериб қўйиш натижасида ушбу корпорациялардан олган даромадларига айтилади. Дивидендлар маблағларни бериб қўйиш турларига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, акционер бирлик ўз маблағларига бошқа корхонанинг 10%дан кам аксиясини сотиб олган бўлса, у портфел инвестор ҳисобланади. Агарда корхона чорак, йил якунларига кўра ҳар бир аксияга даромад тўласа, аксиядорлар ўз аксиялари учун маълум даромадга эга бўлишлари мумкин. Бу олинган даромад портфел инвестициялардан олинган дивидендлар деб аталади. Агарда аксиядор тўғри инвестор (корхонанинг 10%дан ортиқ аксиясига эга) бўлса олган даромадлари тўғри инвестициялардан олинган дивидендлар деб аталади.

Суғурта полиси эгаларининг мулк учун даромадлари. Суғурта компаниялари фуқароларнинг ҳаётини суғурта қиладилар. Натижада йиғилган маблағлар инвестиция сифатида ишлатилиб эвазига маълум бир даромад келтирадилар. Суғурта компанияларининг бу даромадлари (аслида суғурта қилинган фуқароларнинг маблағлари эвазига келгани учун ва Миллий ҳисоблар тизими қоидаларига кўра) уй хўжалиги секторининг мулкдан олган даромади сифатида талқин қилинади. Чунки, бу маблағлар провардида суғурта полисига эга бўлган фуқароларга суғурта мукофоти сифатида берилади.

Рента – мулк учун даромаднинг бир тури бўлиб, бу даромад бир институцион бирликнинг бошқа бирликка ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқарилмаган активлари (ер ва конлар)ни фойдаланишга бериши эвазига оладиган

даромадларидан иборат. Рента икки хил бўлади: ер учун рента ва кон учун рента.

Ер учун рента деб, ер эгасининг ерни арендаторга маълум бир муддатга фойдаланишга бериши эвазига оладиган даромадига айтилади. Рента ер эгасига аренда муддати тугагунча даромад келтиради. Унинг миқдори (бир варакайига йиғиб тўланса ҳам) ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган суммадан иборат бўлиб, ҳар бир ҳисобот даври учун алоҳида қайд этиб борилади. Рента нақд пул ёки натура ҳолида тўланиши мумкин.

Кон учун рента деб, кон эгасининг бошқа институцион бирликларга кондан маълум муддатга фойдаланишига лицензия (рухсатнома) бериши эвазига оладиган даромадига айтилади. Рента тўловлари бир маротабалик ёки кондан қазиб олинган маҳсулот миқдорига боғлиқ равишда тўланадиган тўловлардан иборат. Рента билан фойдали қазилмалар (нефть, газ, олтин, рангли металллар ва бошқалар) ишлаб чиқаргани учун мунтазам равишда давлат секторига тўланадиган тўловларни фарқига бориш керак. Чунки, охириги айтилган тўловлар маҳсулот учун солиқ сифатида талқин қилинади.

Назорат учун саволлар

1. Нима учун халқаро ҳисоб баланси ҳисобот тизимини бозор иқтисодиёти шароитида қўллаб бўлмайди?

2. Миллий ҳисоблар тизими ва халқаро ҳисоб баланси тизимларида ишлаб чиқариш тушунчаси қайси жиҳатлар билан фарқ қилади?

3. Бозор муносабати деганда нимани тушунасиз?

4. Бозор муносабатларининг шаклланганлигининг асосий белгилари нималардан иборат?

5. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий ишлаб чиқариш қандай жараён? Унга мисоллар келтиринг.

6. Нима учун хизматлар кўрсатиш иқтисодий ишлаб чиқариш саналади?

7. Товарлар ва хизматлар ўртасида қандай тафовутлар бор?

8. Ишлаб чиқариш чегараси деганда нимани тушунасиз?

9. Қайси фаолият турлари ишлаб чиқариш сифатида қаралмайди? Мисоллар келтиринг.

10. Уй хўжалиги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадими? Мисоллар келтиринг.

11. Бозор ва нобозор ишлаб чиқариш ўртасида қандай фарқлар бор? Мисоллар келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

9. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.
10. 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
11. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 с.
12. N.M.Soatov, X.Nabiev, D.Nabiev, G.N.Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2009. – 568 bet.
13. Nabiyev X., Nabiyev D.X. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: Aloqachi, 2009. 512 bet.
14. Национальное счетоводство. /Под ред. Б.Н.Башкатова. – М.: ФиС, 2009.
15. Ю.Н.Иванов и др. Система национальных счетов – инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие/ Под редакцией Ю.Н.Иванова. - М.: Финстатинформ, 2006.
16. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

3-мавзу. Ташқи дунё сектори ҳисобламалари

1. Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

2. Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

3. Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

4. Молия ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Калит сўзлар: Товар ва хизматлар, ташқи операциялар ҳисобламаси, . ташқи бирламчи даромадлар, жорий трансфертлар ҳисобламаси, сармоя билан операциялар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси.

1. Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Ташқи дунё товарлар ва хизматлар счётида резидент ва норезидент бирликлар ўртасидаги товар ва хизматлар айирбошлаш операциялари қайд этилади. Счётни тузишдан кўзланган асосий мақсад, мамлакат иқтисодиётининг чет эл мамлакатлари билан бўлган товарлар ва хизматлар айирбошлаш натижасида мамлакатга кириб келган (ёки чиқиб кетган) ресурслар кўламини билишдан иборат.

Счётнинг умумий тузилиш схемаси қуйидагича:

Ташқи дунё товарлар ва хизматлар счёти

Ишлатилиши	Ресурслар
А. Товарлар ва хизматлар экспорти	В. Товар ва хизматлар импорти
шу жумладан:	шу жумладан:
-товарлар	- товарлар
-хизматлар	- хизматлар
С. Товарлар ва хизматлар салдоси ($C=B-A$)	

Счётда операциялар норезидент нуктаи назаридан қайд этилади. Бунга кўра, счётнинг *ресурслар* тарафида норезидентларнинг резидентлар (Ўзбекистон)дан олган иқтисодий қийматлари, яъни Ўзбекистоннинг «ташқи дунё»га импорт қилган товарлар ва хизматлари миқдори ёзилади. Сётнинг *ишлатилиши* тарафида норезидентларнинг резидентларга берган иқтисодий қийматлари, яъни Ўзбекистоннинг «ташқи дунё»га қилган экспорти миқдори ёзилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг ташқи дунё товарлар ва хизматлар счётини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

Ўзбекистоннинг ташқи дунё товарлар ва хизматлар счёти

Ишлатилиши	Ресурслар
А. Ўзбекистоннинг ташқи дунёга экспорти, жаъми шу жумладан: - товарлар экспорти - хизматлар экспорти	В. Ўзбекистоннинг ташқи дунёдан импорти, жаъми шу жумладан: -товарларимпорти -хизматларимпорти
С. Товарлар ва хизматлар салдоси (С=В-А)	

Товарлар экспорти ва импорти ФОВ (чегара) баҳоларида ҳисобланади (1 шарҳга қаранг). Бундай баҳолаш усулини амалда қўллаш савдо балансини ва хизматлар балансини тўғри баҳолашга имкон беради. Бу кўрсаткичлар орқали, биз мамлакатдан чиқиб кетаётган (ёки кириб келаётган) товарларнинг ва хизматларнинг ҳақиқий миқдорини аниқлай оламиз.

Счётнинг **товарлар ва хизматлар салдоси** кўрсаткичи счётнинг ресурс томонида келтирилган кўрсаткичлар йиғиндисидан ишлатилиши томонидагисини айириш орқали топилади. Бу кўрсаткич мазмунига кўра, товарлар ва хизматлар айирбошлаш операциялари бўйича Ўзбекистон резидент институцион бирликларининг норезидентлардан олган ёки берган *соф иқтисодий қиймат*лари ҳажмини ифодалайди. Товарлар ва хизматлар салдосининг мусбат ишорали бўлиши ташқи дунёнинг Ўзбекистондан (товарлар ва хизматлар кўринишида) олган соф ресурслари миқдорини билдиради, акс ҳолда эса, ташқи дунёнинг Ўзбекистонга берган ресурсларнинг соф миқдорини ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, салдонинг мусбат бўлиши ташқи дунё учун актив (ижобий) салдо ҳисобланади, резидент мамлакат (Ўзбекистон) учун эса пассив (салбий) салдо ҳисобланади. Агарда салдо манфий бўлса тескарисини бўлади.

Счётни тузишда ҳар бир мамлакат ахборотга бўлган ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда экспорт ва импорт операцияларини мамлакатда қабул қилинган товарлар ва хизматлар таснифи асосида қайд этади. Счёт кўрсаткичлари миллий валюта бирлиги «сўм»да қайд этилади.

Ўзбекистонда амалда бўлган ташқи иқтисодий фаолият статистикаси тизими ахборот базаси «ташқи дунё» товарлар ва хизматлар счётини амалда бўлган *ТИФ товарлар рўйхати* (ТИФТР) ва хизматлар рўйхати (ТИФХР) бўйича тузиш имконини яратади. Статистика амалиётида бу таснифларга асосан қайд этиладиган товарлар ва хизматлар сони жуда кўп бўлганлиги учун, товар ва хизматларни гуруҳланган ҳолда қайд этиш тавсия этилади. Бу гуруҳлашда товар ёки хизматнинг тури экспорт ёки импорт миқдоридаги салмоғига қараб, катта улушга эга бўлган товар ёки хизматлар (ёки уларнинг гуруҳлари) турлари танлаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг *Ташқи дунё товарлар ва хизматлар* счётини тузишда 2-шарҳда келтирилган товарлар ва хизматлар таснифидан фойдаланиш тавсия

этилади. Бу тасниф Ўзбекистоннинг охириги беш йилдаги товарлар экспорти ва импорти ҳажмлари таркибини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

2. Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Бу счётада товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш натижасида яратилган даромадларнинг ташқи дунё ва ички иқтисодиёт секторлари ўртасида бирламчи даромад сифатида тақсимланиши жараёни кўрсатилади. *Бирламчи даромад деганда резидент ва норезидент институцион birlikларнинг ишлаб чиқаришида қатнашганликлари ва ишлаб чиқаришида ўз активларини ишлатганликлари учун олишлари лозим бўлган даромадлар тушунилади.* Бирламчи даромадлар билан боғлиқ таъриф ва тушунчалар 3-шарҳда келтирилган.

Счётининг умумий тузилиш схемаси қуйидагича:

Ўзбекистоннинг ташқи дунё бирламчи даромадлар тақсимоти счёти

Ишлатилиши	Ресурслар
<p>1. Ўзбекистоннинг норезидентлардан олган мулк учун даромадлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фоизлар; - дивидендлар; - рента 	<p>4. Ўзбекистоннинг норезидентларга тўлаган мулк учун даромадлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фоизлар; - дивидендлар; - рента
<p>2. Ўзбекистоннинг норезидентлардан олган меҳнат ҳақлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иш ҳақи; - социал суғурта 	<p>5. Ўзбекистоннинг норезидентларга тўлаган меҳнат ҳақлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иш ҳақи; - социал суғурта
<p>3. Ўзбекистоннинг норезидентлардан олган бевосита ишлаб чиқариш учун соф солиқлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар; - бевосита ишлаб чиқариш учун субсидиялар(-) 	<p>6. Ўзбекистоннинг норезидентларга тўлаган бевосита ишлаб чиқариш учун соф солиқлари миқдори шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар; - бевосита ишлаб чиқариш учун субсидиялар(-)
<p>А. Ўзбекистоннинг норезидентлардан олган жами бирламчи даромадлари миқдори =1+2+3</p>	<p>В. Ўзбекистоннинг норезидентларга тўлаган жами бирламчи даромадлари миқдори=4+5+6</p>
<p><i>Бирламчи даромадлар салдоси =В-А</i></p>	

Мамлакатда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида резидент институцион birlikлар билан бир қаторда норезидент институцион birlikлар қатнашиши мумкин. Шу сабабли, ички иқтисодиёт секторлари - резидентлар

билан бир қаторда ташқи дунё сектори – норезидентлар ҳам тегишли равишда бирламчи даромадларга эга бўладилар.

Ташқи дунё сектори ва мамлакат ички иқтисодиёт секторлари ўртасида бирламчи даромад сифатида меҳнат ҳақи, бевосита ишлаб чиқариш учун солиқлар ва субсидиялар ҳамда мулк учун даромадлар айирбошланиши мумкин. Бу айирбошланиш операциялари натижалари ташқи дунё бирламчи даромадлар тақсимоли счётида қайд этилади.

Счёт норезидент нуқтаи назаридан тузилгани сабабли, счётнинг ишлатилиши тарафида Ўзбекистон резидент институцион бирлик (ички иқтисодиёт сектор)ларининг норезидентлар (ташқи дунё)дан бирламчи даромад сифатида олган даромадлари қиймати қайд этилади. Бошқача қилиб айтганда, норезидент бирликларнинг Ўзбекистоннинг резидент бирликларига бирламчи даромад сифатида берган тўловлари тушунилади. Ресурс тарафида эса, аксинча, яъни Ўзбекистон учун норезидент бўлган институцион бирликлар (ташқи дунё сектори)га Ўзбекистон резидент институцион бирлик (ички иқтисодиёт сектор)лари томонидан бирламчи даромад сифатида берган даромадлари қиймати ёзилади. Қуйида бу даромадлар таркиби ва мазмунини ёритишга ҳаракат қиламиз.

3. Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Тўлов баланси маълум бир давр (ой, чорак, йил)га тузилади. Шунинг учун, у тузилаётган даврда мамлакат ва чет эл иқтисодиёти ўртасида содир бўлган *ўзгаришларни* ифода этади. Масалан, январ ойига тузилган тўлов баланси январ ойидаги, чоракка тузилгани чоракдаги, йилга тузилгани йиллик ўзгаришларни ифода этади.

Бу ўзгаришлар кузатилган даврда мамлакатнинг мажбуриятлари ва активларининг қай миқдорда ошган ёки камайганлигини билдиради. Йиллар давомида бу ўзгаришларнинг йиғилмаси мамлакат иқтисодиётининг чет элга боғлиқлик даражасини белгилайди. Мамлакат ва чет эл ўртасидаги активлар ва мажбуриятларнинг йиғилмаси халқаро *инвестиция баланси* (ХИБ)да қайд этилади. ХИБ одатда йилнинг охиридаги ҳолатига тузилади. Активлар ва мажбуриятларнинг миқдори йилнинг охиридаги баҳоларда қайд этилади. Халқаро инвестициялар баланси мамлакатнинг активлари ва мажбуриятларининг статистик ҳисоботидан иборат бўлиб, у бир қатор ташқи иқтисодий счётлар мажмуидан иборат. Унинг қисқартирилган кўринишдаги таркиби *4-жадвалда* келтирилган.

Халқаро инвестициялар баланси						
	Йил бошидаги ҳолат	Операциялар	Нархларнинг ўзгариши	Валюта курсининг ўзгариши	Бошқа ўзгаришлар	Йил охиридаги ҳолат
А. Активлар						
1. Чет элга тўғри инвестициялар						
2. Портфел инвестициялар						
3. Бошқа инвестициялар						
3.1. Коммерсия кредитлари						
3.2. Ссудалар						
3.3. Нақд пул ва депозитлар						
3.4. Бошқа активлар						
4. Резерв активлари						
4.1. Монетар олтин						
4.2. Махсус қарз олиш ҳукуки(СДР)						
4.3. ХВФдаги резерв позисияси						
4.4. Чет эл валютаси						
4.5. Бошқа талаблар						
Б. Мажбуриятлар						
1. Иқтисодийга тўғри инвестициялар						
2. Портфел инвестициялар						
3. Бошқа инвестициялар						
3.1. Коммерсия кредитлари						
3.2. Ссудалар						
3.3. Нақд пул ва депозитлар						
3.4. Бошқа мажбуриятлар						

ХИБ счёти икки томонли жадвал кўринишида ёзилади. Бир томонда, активлар ва мажбуриятлар таркиби келтирилган. Иккинчи томонда, мос равишда уларнинг йил бошига бўлган ҳолати, йил давомида уларнинг ўзгариши (турлари бўйича) ва йил охиридаги ҳолати ёзилади. Активлар ва мажбуриятлар таркиби тўлов балансининг молия счёти таркиби билан мос келади. Уларнинг ўзгаришлари иқтисодий операциялар натижасида, баҳо ва валюта айирбошлаш курсининг ўзгаришлари ва бошқа тузатишлар натижасида содир бўлади. Масалан, тўғри инвестицияларнинг йил давомида мамлакатга келиши ХИБнинг мажбуриятлар каторида *операциялар* устунида, молия бозорида акцияларнинг нархи кўтарилиши ёки пасайиши – *баҳолар ўзгариши* устунида қайд этилади. Чет эл валютасидаги захираларнинг номинал қиймати валюта курси ўзгариши натижасида ўзгаради. Бу ўзгариш *валюта курси ўзгаришлари* устунида қайд

этилади. Ўтган йилларда ҳисобга олинмаган активлар ва мажбуриятлар, уларнинг бир категориядан иккинчисига ўтказилиши (масалан, портфел инвестицияларнинг йиллар давомида йиғилиб тўғри инвестицияларга айланиши) ва қарздан воз кечиш ҳолатлари *бошқа тузатишлар* устунида ёзилади. Булардан ташқари, монетар олтин миқдорида олтинни четга сотиш ва захирага сотиб олиш билан боғлиқ ва мамлакатнинг *махсус қарз олиш ҳуқуқи(СДР)да бўладиган* ўзгаришлар ҳам бошқа тузатишлар устунида қайд этилади. Активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ соф инвестиция ҳолатини ифодалайди. Бу кўрсаткич активлар миқдори мажбуриятлардан кўп бўлган ҳолда мусбат бўлади. Соф инвестиция ҳолати мусбат бўлиши, мамлакатнинг ташқи дунёга нисбатан талаби, акс ҳолда мажбурияти кўпайганлигини билдиради. Хулоса қилиб айтганда, халқаро инвестиция баланси йил давомида мамлакатнинг чет эл билан бўлган молиявий операцияларининг, актив ва мажбуриятларда баҳо ўзгаришлари ва бошқа тузатишларнинг мажмуидан иборат. Активлар ва мажбуриятлар йиғиндиси мос равишда мамлакатнинг ялпи ташқи активлар(ЯТА) ва ялпи ташқи мажбуриятлар(ЯТМ) миқдорини билдиради.

Шуни айтиш лозимки, ЯТМ билан ташқи қарз тушунчаларини бир биридан фарқлаш керак. Чунки, ҳар доим ҳам мажбуриятлар қарз бўлавермайди. Қарз таркибига портфел ва тўғри инвестициялар бўйича мажбуриятлар кирмайди.

Бундан ташқари, монетар олтин ва СДР актив ҳисоблансада, норезидентлар учун мажбурият ҳисобланмайди. Шу сабабли, *соф ташқи активлар таркибига* монетар олтин ва СДР кирмайди.

Соф ва ялпи ташқи активлардан *ташқи резерв активларни(ТРА)* фарқлаш лозим. ТРА мамлакатнинг резерв активлари ҳисобланади. Ҳар қандай актив ҳам ТРА бўлавермайди. Резерв активларига давлатнинг пул-кредит сиёсат юритувчи ташкилотлари тасарруфида бўлган ва уларни, керак бўлганда ҳеч бир тўсиқсиз ишлатиш мумкин бўлган молиявий активлар киради. Бу молиявий активлар юқори даражада харидоргир ва ҳар қандай вазиятда ҳам қаттиқ валютага тез сотилиши ёки бошқа турдаги резерв активга алмашилиши мумкин бўлиши керак. Резерв активлари таркибига монетар олтин, СДР, ХВФдаги активлар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва бошқалар киради. Бу таркибга фақат резерв активларга қўйилган талабга жавоб берадиган активларгина киради. Масалан, чет эл валютаси гуруҳига қаттиқ ва барқарор валюталар: АҚШ доллари, немис маркаси, евро ва шу кабилар) кириши мумкин. Қимматли қоғозлар гуруҳига юқори ликвидли чет эл қимматли қоғозлари киради. Бошқа резерв активлар гуруҳига, юқорида қайд этилмаган резерв активлар киради.

4. Молия ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.

Молия счётида резидент мамлакат институцион бирликлари ва норезидент бирликлар ўртасида содир бўлган молия активлари айирбошлаш операцияларининг натижалари қайд этилади. Счётнинг активлар тарафида норезидентларнинг ҳисобот даврида резидент мамлакат бирликларидан олган

молия активлари плюс ишора билан ва аксинча, берган молия активлари минус ишора билан қайд этилади. Счётнинг пасивлар тарафида норезидентларнинг ҳисобот даврида (резидент мамлакат олдида) мажбуриятларининг кўпайиши плюс ишора билан ва мавжуд мажбуриятларини узиш (мажбуриятларининг камайиши) миқдори минус ишора билан қайд этилади. Активларнинг ва мажбурият (пассив)ларнинг ўзгариши уларнинг турлари бўйича гуруҳланган ҳолда қайд этилади.

Счётнинг тузилиш схемаси қуйидагича:

Ташқи дунё молия счёти

Активларнинг ўзгариши (активлар)	Ўз капиталининг ва мажбуриятининг ўзгариши (пассивлар)
А.1. Монетар олтин ва СДР А.2. Нақд пуллар ва депозитлар А.3. Қимматбаҳо қоғозлар (акциялардан ташқари) А.4. Акциялар ва бошқа аксиядорлик капиталига эгалик ҳуқуқини берадиган қоғозлар А.5. Берилган кредитлар А.6. Суғурта резервлари А.7. Дебиторлик қарзлар А.8. Бошқа молиявий активлар А. Соф эга бўлинган молия активлари	В.2. Нақд пуллар ва депозитлар В.3. Қимматбаҳо қоғозлар (акциялардан ташқари) В.4. Акциялар ва бошқа акциядорлик капиталига эгалик ҳуқуқини берадиган қоғозлар В.5. Олинган кредитлар В.6. Суғурта резервлари В.7. Кредиторлик қарзлар В.8. Бошқа молиявий пасивлар В. Соф эга бўлинган мажбуриятлар
	$C = A - B > 0$ бўлса Соф кредитлаш деб аталади, $C = A - B \leq 0$ соф қарзлар деб аталади.

Счётнинг активлар тарафининг йиғиндиси норезидентларнинг ҳисобот даврида молия активларининг соф ўзгаришини ифода этади. Пассивлар тарафининг йиғиндиси эса, норезидентларнинг ҳисобот даврида молия мажбуриятларининг соф ўзгаришини ифода этади.

Молия счётининг мувозанатлаштирувчи кўрсаткичи (яъни активлар минус пасивлар) ташқи дунё капитал харажатлар счётининг салдо кўрсаткичига тенг бўлади. Бу кўрсаткичнинг мусбат ишора билан чиқиши ҳисобот даврида норезидентларнинг резидент мамлакат бирликларига берган молия активларининг олган мажбуриятларидан кўплигини билдиради ва “соф кредитлаш” деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, резидент мамлакат бирликлари норезидентлар томонидан молиялаштирилганлигини билдиради. Акс ҳолда, салдонинг манфий ишора билан чиқиши ҳисобот даврида норезидентларнинг резидент мамлакат бирликлари олдида мажбуриятларининг ошганлигини билдиради ва “соф қарзлар” деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, ташқи дунёнинг резидент мамлакатдан соф қарз бўлиши, резидент мамлакат бирликлари ташқи дунёни молиялаштирганини ёки резидент мамлакатнинг ташқи дунёдан (илгари олган) қарзлари (мажбуриятлари) камайганлиги билдиради.

Молия активларининг ва мажбуриятларининг ўзгариши уларнинг турлари бўйича гуруҳланган ҳолда алоҳида-алоҳида қайд этилади.

Молия счёти кўрсаткичлари одатда резидент мамлакат миллий пул бирлигида операция содир бўлган вақтдаги бозор баҳоларида ҳисобланади. Миллий валютага ўтказишда операция содир бўлган вақтдаги айирбошлаш курсларидан фойдаланилади.

Шуни айтиш жоизки молия активларининг ҳаммаси ҳам иккинчи томон учун мажбурият бўлавермайди. Бундай активларга мамлакат резерв активларидаги монетар олтин ва ХВФдаги СДР мисол бўлаолади. Чунки, монетар олтин бошқа бирликларга берилганда (сотилганда)гина бошқа бирликларда мажбурият ҳосил қилади. Резидент ва норезидент бирликлар ўртасидаги монетар олтин билан бўладиган операциялар мамлакатларнинг марказий банклари ўртасида ёки марказий банк билан халқаро молия ташкилотлари ўртасида содир бўлиши мумкин. Бу операциялар натижалари счётнинг чап томонида қайд этилади. Олтиннинг бошқа резидент ва норезидент бирликлар ўртасидаги айирбошлаш операциялари мос равишда экспорт ёки импорт операциялари сифатида *ташқи дунё товарлар ва хизматлар счётида* қайд этилади.

СДР халқаро резерв активи ҳисобланади. Унинг миқдори Халқаро валюта фондига аъзо мамлакатларнинг мос равишда белгиланган квота асосида ўз валюталари бирлигида ташкил қилинади ва вақти-вақти билан тўлдириб турилади. Ҳар бир мамлакат ҳисобот йилида ўз квотаси миқдорида чет эл валютасини сотиб олиши ва фойдаланиши мумкин. Ва ХВФ томонидан белгиланган муддатда ўз квотасини тиклаб қўйиши лозим. Ҳисобот давридаги ўзгаришлар молия счётининг чап томонида қайд этилади.

Бу счётни тузишдан кўзланган мақсад, мамлакат резидент бирликларининг норезидентлар билан ҳисобот даврида содир бўлган иқтисодий операциялар натижасида резидент мамлакатнинг молия активлари ва пасивлари қийматининг ўзгаришини ҳисобга олишдир.

Ташқи дунё сектори счётларида Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), Ялпи миллий даромад (ЯМД), Ялпи ихтиёрдаги миллий даромад (ЯИМД) ва Ялпи миллий жамғарма (ЯМЖ) кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланиладиган муҳим кўрсаткичлар бор. Улар қаторида экспорт ва импорт кўрсаткичлари, резидент бирликларнинг ташқи дунёдан олган ва ташқи дунёга тўлаган бирламчи даромадлари (иш ҳақи, мулкдан олинган даромадлар, солиқлар ва субсидиялар), олинган ва берилган капитал ва жорий трансфертлар бор. Бу кўрсаткичлардан фойдаланиб, юқорида саналган кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини келтирамиз.

ЯИМ = пировард истеъмол (С) + ялпи жамғарма (И) + товар ва хизматлар экспорти (Х) - товар ва хизматлар импорти (М);

$$\mathbf{ЯИМ = С+И+Х-М;}$$

ЯМД = ЯИМ + резидентларнинг норезидентлардан олган ва уларга тўлаган бирламчи даромадлари салдоси (БДС);

БДС = резидентларнинг норезидентлардан олган иш ҳақи - норезидентларнинг резидентлардан олган иш ҳақи + резидентларнинг норезидентлардан мулк учун олган даромадлари - норезидентларнинг

резидентлардан мулк учун олган даромадлари + маҳсулот ва импорт учун солиқлар (норезидентлардан олингани +, уларга тўлангани -) салдоси + маҳсулот ва импорт учун субсидиялар (норезидентлардан олингани +, уларга тўлангани -) салдоси; **ЯМД = ЯИМ + БДС;**

ЯИМД = ЯМД + норезидентлардан олинган (+) ва уларга тўланган (-) жорий трансфертлар салдоси (маҳсулот ва импорт учун солиқлар ва субсидиялар айирмасини қўшмаган ҳолда);

$$\mathbf{ЯИМД = ЯМД + ЖЦ;}$$

Ялпи миллий жамғарма (ЯМЖ) ЯМИДдан пировард истеъмол (С)ни айириш орқали топилади. **ЯМЖ = ЯИМД - С;** Юқоридаги ифодалардан фойдаланиб қуйидагига эга бўламиз:

$$\mathbf{ЯМЖ = С + И + Х - М + БДС + ЖЦ - С = И + Х - М + БДС + ЖЦ.}$$

Бу ифодадан, ялпи миллий жамғарманинг мамлакатдаги барча инвестициялар, соф экспорт, бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар салдолари йиғиндисидан иборат эканлигини биламиз. Ҳосил бўлган ифодадан ялпи миллий жамғарма ва ялпи миллий йиғилма айирмаси ташқи дунё жорий (ТДЖОС) операциялар салдосига тенг эканлигини топамиз:

$$\mathbf{ЯМЖ - И = Х - М + БДС + ЖЦ \text{ ёки } ЯМЖ - И = ТДЖОС.}$$

Миллий бойликнинг жамғарма ва капитал трансфертлар ҳисобига ўзгариши (МБЎ)ни ялпи миллий жамғарма ва капитал трансфертлар салдоси (КЦ) йиғиндисидан асосий капиталнинг истеъмоли (АКИ)ни айрилганига тенг бўлади.

$$\mathbf{МБЎ = ЯМЖ - АКИ + КЦ;}$$

Назорат учун саволлар

1. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар секторига қандай институционал бирликлар киради?
2. Уй хўжалиги секторига қандай институционал бирликлар киради?
3. Ташқи дунё секторига қандай бирликлар киради?
4. Миллий ҳисоблар тизими ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида қандай боғлиқликлар бор?
5. Барча институционал бирликларнинг бухгалтерия кўрсаткичлари миллий ҳисоблар тизими сўётларини тўлақонли тузиш учун етарлими?
6. Бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисоблар тизимидаги даромад концепциясида қандай фарқ бор?
7. Бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисоблар тизимидаги маҳсулот концепциясида қандай фарқ бор?
8. Бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисоблар тизимидаги харажатлар тушунчасидаги асосий фарқлар нималардан иборат?
9. Бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий операцияларни баҳолаш усулларида қандай фарқлар бор?
10. Миллий ҳисоблар тизими методологиясидан корхоналарнинг иқтисодий фаолият натижаларини ифодалашда фойдаланиш мумкинми?

Фойдаланилган адабиётлар

17. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.
18. 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
19. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 с.
20. N.M.Soatov, X.Nabiev, D.Nabiev, G.N.Tillaxo'jaeva. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2009. – 568 bet.
21. Nabiyev X., Nabiyev D.X. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: Aloqachi, 2009. 512 bet.
22. Национальное счетоводство. /Под ред. Б.Н.Башкатова. – М.: ФиС, 2009.
23. Ю.Н.Иванов и др. Система национальных счетов – инструмент макроэкономического анализа. Учебное пособие/ Под редакцией Ю.Н.Иванова. - М.: Финстатинформ, 2006.
24. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби ва уларни тузиш принциплари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Миллий ҳисоблар тизимида ҳисоблама тушунчаси ва уни тузиш қоидалари.
2. Икки ёқлама ёзиш принципи – миллий ҳисоблар тизими ҳисобламаларини тузишда услубий асос эканлиги.
3. Миллий ҳисоблар тизими ҳисобламалари таркиби.

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Миллий ҳисобчиликнинг халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги роли нимадан иборат. Миллий ҳисоблар тизими ва Халқаро ҳисоб баланси тизимларининг предмети нимадан иборат. Миллий ҳисоблар тизими ва Халқаро ҳисоб баланси тизимлари ўртасидаги асосий фарқлар нималардан иборат. Нима учун халқаро ҳисоб баланси ҳисобот тизимини бозор иқтисодиёти шароитида қўллаб бўлмайди. Миллий ҳисоблар тизими ва халқаро ҳисоб баланси тизимларида ишлаб чиқариш тушунчаси қайси жиҳатлар билан фарқ қилади. Бозор муносабати деганда нимани тушунаси. Бозор муносабатларининг шаклланганлигининг асосий белгилари нималардан

иборат. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий ишлаб чиқариш қандай жараён. Унга мисоллар келтиринг. Нима учун хизматлар кўрсатиш иқтисодий ишлаб чиқариш саналади. Товарлар ва хизматлар ўртасида қандай тафовутлар бор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

1. О.И.Образцова, О.В.Копейкина. Система национальных счетов. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2008. – 459.

2. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов. Учебное пособие.– М.: ФиС, 2008. - 269 с.

3. Национальное счетоводство. Учебник. Под ред. Б.И.Башкатова. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 606 с.

4. Основы национального счетоводства. Учебник. Под ред. Ю.Н.Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2007. - 479 с.

5. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 125 бет.

6. Махмудов Б.М. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003. - 158 б.

7. В. Mahmudov. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011.

8. Г.Ш.Яминова. Миллий ҳисоблар тизими фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: ТДИУ, 2012.

9. Handbook on non-profit institutions in the system of national accounts. United Nations. Statistical Division. New York : United Nations, 2003.

10. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru

2. www.uza.uz

3. www.uzland.uz

4. www.stability.uz

5. www.wikipedia.org/

6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;

7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);

8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)

9. www.wikipedia.org/

2-амалий машғулот: **Бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобламалари**

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Миллий ҳисоблар тизимида даромад тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.
2. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланадиган даромад кўрсаткичлари.
3. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ва унинг шакллари.
4. Даромадларни ҳосил қилиш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.
5. Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.
6. Мулкдан олинган даромад ва унинг шакллари

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Миллий ҳисоблар тизими ва халқаро ҳисоб баланси тизимларида ишлаб чиқариш тушунчаси қайси жиҳатлар билан фарқ қилади. Бозор муносабати деганда нимани тушунасиз. Бозор муносабатларининг шаклланганлигининг асосий белгилари нималардан иборат. МХТда иқтисодий ишлаб чиқариш қандай жараён. Нима учун хизматлар кўрсатиш иқтисодий ишлаб чиқариш саналади. Товарлар ва хизматлар ўртасида қандай тафовутлар бор. Ишлаб чиқариш чегараси деганда нимани тушунасиз. Қайси фаолият турлари ишлаб чиқариш сифатида қаралмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

2. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

1. О.И.Образцова, О.В.Копейкина. Система национальных счетов. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2008. – 459.

2. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов. Учебное пособие.– М.: ФиС, 2008. - 269 с.

3. Национальное счетоводство. Учебник. Под ред. Б.И.Башкатова. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 606 с.

4. Основы национального счетоводство. Учебник. Под ред. Ю.Н.Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2007. - 479 с.

5. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 125 бет.

6. Махмудов Б.М. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003. - 158 б.
7. В. Mahmudov. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011.
8. Г.Ш.Яминова. Миллий ҳисоблар тизими фанидан ўқув-услугий мажмуа. - Т.: ТДИУ, 2012.
9. Handbook on non-profit institutions in the system of national accounts. United Nations. Statistical Division. New York : United Nations, 2003.
10. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

Интернет сайтлари.

10. www.economy.gov.ru
11. www.uza.uz
12. www.uzland.uz
13. www.stability.uz
14. www.wikipedia.org/
15. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
16. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
17. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
18. www.wikipedia.org/

3-амалий машғулот: Ташқи дунё сектори ҳисобламалари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодий ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

- 1. Товар ва хизматлар билан ташқи операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.**
- 2. Ташқи бирламчи даромадлар ва жорий трансфертлар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.**
- 3. Сармоя билан операциялар ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.**
- 4. Молия ҳисобламаси ва унинг кўрсаткичлари.**

Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: Ташқи дунё секторига қандай бирликлар киради. МХТ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида қандай боғлиқликлар бор. Барча институционал бирликларнинг бухгалтерия кўрсаткичлари МХТ счётларини тўлақонли тузиш учун етарлими. Бухгалтерия ҳисоби ва МХТдаги доромад концепциясида қандай фарқ бор. Бухгалтерия ҳисоби ва МХТдаги маҳсулот концепциясида қандай фарқ бор. Бухгалтерия ҳисоби ва МХТдаги харажатлар тушунчасидаги асосий фарқлар нималардан иборат. Бухгалтерия ҳисоби ва МХТда иқтисодий операцияларни баҳолаш усулларида қандай фарқлар бор. МХТ методологиясидан корхоналарнинг иқтисодий фаолият натижаларини ифодалашда фойдаланиш мумкинми. Қайси счётлар тармоқлар миқёсида тузилади. Қайси счётлар секторлар миқёсида тузилади.

Фойдаланилган адабиётлар

3. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

1. О.И.Образцова, О.В.Копейкина. Система национальных счетов. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2008. – 459.

2. Салин В.Н., Кудряшова С.И. Система национальных счетов. Учебное пособие.– М.: ФиС, 2008. - 269 с.

3. Национальное счетоводство. Учебник. Под ред. Б.И.Башкатова. – М.: Финансы и статистика, 2007. - 606 с.

4. Основы национального счетоводства. Учебник. Под ред. Ю.Н.Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2007. - 479 с.

5. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 125 бет.

6. Махмудов Б.М. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003. - 158 б.

7. В. Mahmudov. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: 2011.

8. Г.Ш.Яминова. Миллий ҳисоблар тизими фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Т.: ТДИУ, 2012.

9. Handbook on non-profit institutions in the system of national accounts. United Nations. Statistical Division. New York : United Nations, 2003.

10. European Central Bank. Financial Production, Flows and Stocks in the System of National Accounts. // USA, 2014 yar.

Интернет сайтлари.

19. www.economy.gov.ru

20. www.uza.uz

21. www.uzland.uz

22. www.stability.uz

23. www.wikipedia.org/
24. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
25. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
26. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
27. www.wikipedia.org/

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

“Миллий ҳисоблар тизими” модулидан битирув ишлари учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Иқтисодий фаолиятнинг асосий категориялари.
2. Институтцион бирлик.
3. Корхоналарнинг қандай фаолият турлари.
4. Нотижорат муассаларининг қандай асосий турлари.
5. Институтционал бирликларнинг резидентлик статуси.
6. Мамлакатнинг резиденти ва норезиденти.
7. Ишлаб чиқариш бирлиги кўрсаткичлари.
8. Вазор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни секторлама классификацияси.
9. Миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти нимада ва унинг қандай асосий хусусиятлари.
10. 1993 йилда қабул қилинган МҲТ да хўжалик юритувчи субъектлар қандай институтционал секторларга ажратилган?
11. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият натижалари кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.
12. МҲТ нинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари орасидаги боғланишлар.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. **Берилган кейснинг мақсади:** Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмасининг 2006 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Бирлашма фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражасини таҳлилинини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс мукаффақиятли ечиш учун талабалар **қуйидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигида, турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондлар миқдорини, уларнинг таркиби ва ҳолатини, уларнинг ҳаракатини аниқлаш, асосий фондлар билан таъминланиш даражасини баҳолаш, фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

2. **Мазкур кейс институционал тизимнинг** реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

3. **Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қуйидагилардан иборат: Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг 2015 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида, ушбу корxonанинг низоми, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

4. **Мазкур кейс дала тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг объекти бўлиб: Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

5. **Дидактик мақсадларга кўра** кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

Кейснинг афзалликларига қуйидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

6. Ушбу кейс – “Меҳнат статистикаси”, “Иқтисодий статистика”, “Саноат статистикаси”, фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

1. «Қоракўл» бирлашмасига иқтисодий тавсифнома

Ташкилотнинг манзили:

Бирлашма Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Шоҳи-зинда шаҳри, саноат зонасида жойлашган бўлиб, бирлашма 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:

«Қоракўл» бирлашмаси

Ташкилотнинг ташкил этилган йили:

Самарқанд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартдаги 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг шакли:

«Қоракўл» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997 йил 22 мартдаги 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

Ташкилотнинг фаолият тури:

«Қоракўл» бирлашмаси қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- чорвачилик, паррандачилик, гўштани қайта ишлаш ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шахобчалари орқали сотиш;
- чорвачилик ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- савдо дўконларини ташкил қилиш ва савдо-сотик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда маиший хизмат шахобчалари очиш;
- иссиқхоналар барпо этиш ва уларда иссиқхона маҳсулотлари етиштириб, аҳолига сотиш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик фаолияти билан шуғулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва рақобатбардош маҳсулотларини кўпайтириб, жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Хўжаликнинг меҳнат фаолияти гўшт ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, ушбу фермер хўжалиги ўзида бир нечта хусусий тадбиркорларни бирлаштириб, шу жумладан, чорвачилик ҳамда гўштан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 20 турдан ортиқ бўлиб, колбаса, сосиска, сарделька, дудланган колбаса, тухум, парранда гўшти, мол гўшти ва бозорда бўлмаган, янги талабга жавоб берадиган маҳсулотларни ташкил қилиб, сифатли, хорижий маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу фермер хўжалиги дастлаб беш хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда 11 хилдаги колбаса, 4 хилда сосиска ва 2 хилдаги ветчина, макарон

маҳсулотлари ҳамда сарделька маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:

- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шахобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.


2. «ҚОРАКЎЛ» БИРЛАШМАСИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:

«ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси хусусий бўлганлиги сабабли, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг 2000 йилда тасдиқланган ва СамарЎанд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майидаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси низомининг V-17 бандида ёзилишича, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасига 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайитириш мақсадида «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси яқин атрофдаги маҳалланинг 100 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 100 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Ташкилотнинг бошқарув шакли:

«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув фаолиятининг умумий кўриниши



1-расм. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмасининг умумий кўриниши

Ташкилотнинг чет эл билан ҳамкорлиги:

«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг чет эл мамлакатлари билан алоқаларини 2000 йиллардан бошлаб йўлга қўйган. Чет эллик фермер хўжаликлари билан ўз фаолиятини юргизиш ва маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг раҳбарияти чет эллик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф қилиб, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг ишчилари ва ходимларини ўқитди, ҳамда уларнинг малакасини оширди.

3. «Қоракўл» бирлашмасининг асосий фондлари ҳақида маълумот.

3.1 Тадқиқотлар тизимида асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларини ўрганиш.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунунингдек асосий фондларнинг етиштирилган

маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Статистика амалиётида асосий фондларни пулга чақиб баҳолашнинг турли усуллари бор:

-Асосий фондларни бошланғич (дастлабки) тўлиқ қиймати. Бунга фонднинг дастлабки сотиш (ишлаб чиқариш) баҳоси, уни келтириб кўриш ва ўрнатиш ҳаражатлари қиради;

-Тўлиқ тикланган қиймат. Бу шу вақтнинг ўзида ҳозирги баҳоларда фонднинг такрор ишлаб чиқилган қийматидир. Бу қиймат асосий фондларни қайтадан баҳолаш жараёнида аниқланади;

-Бошланғич тўлиқ қийматидан эскирган, ейилган қийматни чиқариб ташлагандан қолган қиймат. Бу асосий фондларнинг тўлиқ қиймати билан уларнинг эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

-Тикланган баҳодан эскирган, ейилган қисм қийматини чиқариб ташлагандан сўнг қиймати. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;

Бу усулларда ҳисобланган ҳар бир кўрсаткич мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб хўжалиқда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади. Асосий фондларни таққослашни таъминлаш учун уларни инвентаризацияси ўтказилиб аниқ вақтдаги қийматига кўра қайтадан баҳоланади. Асосий фондларни қайта баҳолаш собиқ иттифоқ даврида охириги марта 1972 йилда давлатимиз мустгақиллигидан сўнг 1993 ва 1994 йилларда ўтказилган.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашавериб асосий фондлар эскиради, емирилади шу билан бирга улар маънавий жихатидан ҳам эскиради. Эскириш қийматини қоплаш ва янгилаш мақсадида асосий фондларнинг амортизация фонди ташкил этилади. Хар йили олдиндан белгиланган меъёр бўйича асосий фондлар қийматидан амортизация ажратишлари ҳисобланиб, фондларга ўтказилади. Амортизация ажратмалар меъёрлар ҳукумат қарорлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексининг 23 моддасига мувофиқ 1998 йил 1 январдан асосий фондларнинг гуруҳларига қараб қуйидаги амортизация нормалари 5%, 8%, 10 %, 15%, 20 % белгиланган.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни таснифлаш учун уларни ҳисобот даврдаги (асосий бир йиллик) ҳаракатини таснифловчи баланслардан кенг фойдаланилади. Баланс жадвал шаклида тузилиб йўллари бўйича асосий фондларни турлари, устунлар бўйича уларни ўзгаришлари йил бошидаги ҳолати, йил давомида келиб тушган, йил давомида чиқарилган , йил охириги ҳолати кўрсатилади.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуйидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

1. Хўжаликнинг йиллик ҳисоботи таркибидаги 3-шакл бўйича тузилган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;

2. 11-шаклда тузилган давлат статистика ҳисоботи таркибидаги «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» тўғрисидаги 1-бўлим маълумотлари.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидаги коэффицентлар орқали ифодаланади ва ўрганилади:

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиценти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффиценти;
6. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти;

3.2. Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги «Қоракўл» бирлашмасининг 2015 йилги кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг 2015 йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги 2015 йил кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг Номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қиймати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чиқим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охири-га	Йил бошига	Йил охири-га
1.Бино,иншоот, узатиш мосламаси	707,4	229,6	23,3	913,7	229,0	265,0	478,4	648,7
2.Машина ва жиҳозлар	275,0	49,8	32,3	292,5	119,8	112,0	155,2	180,5
3.Транспорт воситалари	74,4	51,3	2,5	123,2	27,4	29,2	47,0	94,0
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1373,7	1027,5	453,9	1947,3	-	-	1373,7	1947,3
5.Бошқа асосий фондлар	64,6	1,4	2,8	63,4	20,2	19,3	44,4	44,1
Жами	2495,1	1359,6	514,8	3340,1	396,4	425,5	2098,7	2914,6

4. Тингловчиларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар

1. Моддий-техник база деганда нимани тушунаси?
2. Ишлаб чиқариш фондлари тўғрисида тушунча.

3. Асосий фондлар деб нимага айтилади?
4. Айланма фондларнинг таърифи.
5. Асосий фондларнинг гуруҳлари ва уларнинг таърифи.
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг таърифи.
7. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
8. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ва яроқлилиги кўрсаткичларини аниқлаш ва таърифлаш.
9. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари.
10. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини айтинг ва мазмунини таърифланг.

5. Тингловчилар учун услубий қўлланмалар

Муаммо:

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Вазифалар:

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиценти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффиценти;
6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффицентини қисоблаш

Ечиш алгоритми:

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) *Асосий фондларнинг ўсиш коэффицентини* аниқлаш учун уларнинг йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига бўлиш керак, яъни қуйидагича аниқланади:

$$\text{Асосий фондларнинг ўсиш коэффицентини} = \frac{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати}}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати}} \cdot 100$$

Ушбу коэффицент асосий фондларнинг ўсиш даражасини ифодалайди, яъни уларнинг йил охиридаги ҳажми йил бошига нисбатан неча фоизни ташкил қилганлигини билдиради.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффицентини икки хил усул орқали аниқланади.

Биринчи усул. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Қўшимча ўсиш коэффицентини} = \frac{\text{Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қиймати}}$$

Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини аниқлаш учун йил охиридаги бошланғич қийматидан йил бошидаги бошланғич қийматини чегириб ташлаш керак.

Иккинчи усул. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентидан 100 фоизни чегириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{Кушимча узиш коэффициенти} = \text{Асосий фондларнинг узиш коэффициенти} - 100\%$$

Қўшимча ўсиш коэффициенти асосий фондлар хажми йил (давр) охирида йил (давр) бошига нисбатан неча фоизга ошганлигини (ёки камайганлигини) кўрсатади.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш кўрсаткичи миллий бойликнинг унинг асосий қисми ҳисобига жамғарилишини ифодалайди, яъни миллий бойликни асосий фондлар ҳисобига жамғарилаётган ҳажмининг ошаётганини ифодалайди. Шу билан бир қаторда моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётганлигини ифодалайди.

Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти ҳам давр (йил) бошига, ҳам давр (йил) охирига аниқланади. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун эскириш суммасини 100 фоизга кўпайтириб асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлинади:

$$\text{Эскириш коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг эскириш суммаси} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Ау коэффициент асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо беришда қўлланилади. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, асосий фондлар ҳолати шунча ёмонлашган бўлади.

Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти икки хил усул орқали аниқланади:

Биринчи усул. Асосий фондларнинг қолдиқ қийматини 100 фоизга кўпайтириб, асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Яроқлилик коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Иккинчи усул. 100 фоиздан эскириши коэффициентини айриш орқали аниқланади.

$$K_{\text{я}} = 100\% - K_{\text{э}}$$

Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициентини аниқлаш учун йил даврида ишга туширилган, сотиб олинган ва бошқа йўллар билан киримга олинган фондлар қийматларининг йиғиндисини йил охиридаги асосий фондлар қийматига бўлиш керак. Ушбу коэффициентни фондларнинг йил бошидаги қийматига нисбатан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асосий фондларнинг янгилашиш коэффициентини аниқлаш учун йил давомида ишга туширилган ва сотиб олинган янги асосий фондларнинг қийматини уларнинг йил охиридаги умумий қийматига бўлиш керак:

$$\text{Янгилашиш коэффициенти} = \frac{\text{йил давомида ишга туширилган янги асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги умумий қиймати}}$$

Бу коэффициент жами асосий фондлар ва шу жумладан уларнинг актив қисми бўйича ҳам ҳисобланади. Бу коэффициент йил охиридаги жами асосий фондлар ҳажмига нисбатан янги асосий фондлар қийматининг эгаллаган ҳиссасини билдиради. Бу кўрсаткич маълум даражада иқтисодиётдаги техника тараққиётини ҳам ифодалайди. Бу коэффициентни йил бошидаги қийматига нисбатан ҳисоблашни тавсия қиламиз.

Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициентини ҳисоблаш учун йил давомида ҳар хил йўллар билан ҳисобдан чиқарилган асосий фондлар қийматларининг жамини асосий фондларнинг йил бошидаги жами қийматига бўлиш керак:

$$\text{Ҳисобдан чиқариш коэффициенти} = \frac{\text{Ҳисобдан чиқарилган жами асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги жами қиймати}}$$

Асосий фондларнинг эскириши туфайли ҳисобдан чиқариш коэффициентини аниқлаш учун эскириши, ейилиши, қариганлиги натижасида ҳисобдан чиқарилган асосий фондларнинг қийматини жами асосий фондларнинг йил бошидаги қийматига бўлиш керак.

Ҳолатий таҳлилнинг варақаси

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Ҳолатий таҳлил	1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай?		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар: 1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти;		А) – 0.5 балл

	2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти; 3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти; 4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти; 5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффициенти; 6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти қисоблаш.		Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
3. Ҳолатнинг иштирокчилари ни аниқлаш	«Қорақўл» бирлашмасининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Бозор конъюнктураси ҳолатнинг ўрганиш	Асосий фондларнинг ҳолатини аниқлаш ва уларнинг афзаллик ёки талабга жавоб бериш ҳолатини ўрганиб чиқиш.		2 балл
5. Корхоналарни таққослаш ёки уларнинг бозордаги ўрнини эгаллаши	А) Рақобатчи корхоналарнинг бозордаги мавқеини аниқлаш; Б) Таққослаш натижалари аниқланади		А) 1.0 балл Б) 1.5 балл
6. Корхонанинг SWOT таҳлили ёки мавжуд бўлган усулларда ечиш	1) Рақобатбардош корхоналар корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш. 2) Ушбу таҳли асосида корхонанинг имкониятларини аниқлаш.		1) 1.5 балл 2) 2 балл
7. Муқобил вариантларини билиш ва энг альтернатив ҳолатини танлаш	Ҳолатий масаланинг альтернатив ечимларни билдириш: бўлиши мумкин бўлган йўналишларни билдириш. Ҳар бир альтернативларни баҳолаш. Салбий ва ижобий томонларини кўрсатиш. Энг зўр альтернативани танлаш.		1.5 балл
8. Ечимни ишлаб чиқиш	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, товарлар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиш.		2 балл

6. Ўқув - услубий материаллар

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг муҳим омилларидан бўлиб, асосий ва айланма фондлар билан таъминланиши ҳисобланади.

Асосий ва айланма фондлар вужудга келиши бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотини ва бошқа тармоқлар иқтисодининг маҳсулотига бўлинади.

Корхона маҳсулотини ҳисобидан юзага келган асосий фондлар хўжаликда фойдаланиш ёшига ётган мевали дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор моллардан ташкил топади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ҳисобидан юзага келган айланма

фондлар ўз ичига ўсимликчилик ва чорвачиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиладиган тайёр маҳсулотнинг айрми қисмини (уруғ, озуқа ва б.қ) олади.

Корхона маҳсулотига тегишли бўлмаган, яъни бошқа тармоқ иқтисодига тегишли бўлган қишлоқ хўжалик асосий фондларига иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, машина ва жиҳозлар ва бошқалар киради, айланма фондларига ўғит, захарлихимикатлар ва бошқа саноат маҳсулотлари киради.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига қараб моддий-техник база меҳнат воситалари ва меҳнат предметларига бўлинади.

Меҳнат воситалари моддий неъматлардан ташкил топган бўлиб, улар ёрдамида ишловчилар меҳнат предметларига таъсир ўтказади. Буларга меҳнат қуроллари ва меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматлар киради.

Меҳнат қуролларига машиналар ва жиҳозлар, инвентарлар, ишчи ва маҳсулдор моллар киради. Меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматларга иморат ва иншоотлар, алоқа воситалари ва бошқалар киради.

Меҳнат предметлари моддий неъматлар бўлиб, ишловчиларнинг меҳнатининг таъсири остида улардан янги моддий неъматлар яратилади. Буларга уруғ, озуқа, ёш ва боқувдаги моллар ва бошқа неъматларни киритиш мумкин.

Корхоналарнинг иш фаолиятида, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари узлуксиз равишда иштирок этади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этишига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади. Бошқача айтганда меҳнат воситалари *асосий фондлар* деб, меҳнат предметлари эса *айланма фондлар* деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида кўп йиллар даврида хизмат қилувчи, ўзларининг эскирган қисмини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига ўтказиб борувчи, ўз натура шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситалари асосий фондлар деб аталади. Буларга трактор, комбайн, транспорт воситалари, иморатлар, иншоотлар ва бошқа меҳнат воситаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир марта иштирок этувчи, ўз қийматини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига тўлиқ ўтказувчи, ўз натура шаклини йўқотувчи меҳнат предметлари айланма фондлар деб айтилади.

Буларга уруғлик, ем-хашак, ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари, кам баҳоли буюмлар каби меҳнат предметлари киради.

Корхоналарда асосий фондлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиб, моддий неъмат яратувчи меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобланади.

Корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

2. Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида қуйидаги уч гуруҳга бўлиниб ўрганилади:

1. Ўсимликчилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

2. Чорвачилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

3. Умумхўжалик йўналишига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Корхона ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондларига қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги саноат, қурилиш, савдо ва овқатланиш тармоқларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, аммо ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун шарт-шароит яратиб берувчи меҳнат воситалари ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб ҳисобланади. Буларга қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги тиббиёт, маориф, маданий-оқартув, спорт соҳаларида хизмат қилувчи асосий фондлар киради.

Ҳар бир гуруҳ таркибидаги асосий воситалар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлиниб, ўрганилади. Шу жумладан асосий ишлаб чиқариш фондлари 11-шалқдаги давлат статистика ҳисоботининг «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» номли 1-бўлимда қуйидаги турларга бўлиниб, ҳисобга олинган:

1. Бинолар;

2. Иншоотлар;

3. Узатиш қурилмалари;

4. Машина ва асбоб-ускуналар;

5. Транспорт воситалари;

6. Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик ашёлари;

7. Иш ҳайвонлари;

8. Маҳсулдор моллар;

9. Кўп йиллик мевали дарахтлар;

10. Асосий воситаларнинг бошқа турлари.

Асосий ва айланма фондлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий омиллари бўлганлиги учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан асосий фондлар статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонада турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондларнинг миқдори, таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

2. Асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодловчи (такрор ишлаб чиқариш) кўрсаткичларини аниқлаш ва динамикасини ўрганиш;

3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражасини аниқлаш ва статистик таҳлил қилиш;

4. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари динамикасини статистик таҳлил қилиш;

5. Айланма фондларнинг таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

6. Айланма фондлар билан таъминланиш даражасини ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш.

7. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) фойдаланиб, асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиши йил охирида йил бошига нисбатан 845 млн. сўмни ташкил қилган: 3340,1 – 2495,1 =+ 845 млн.сўм.

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти:

$$K_{аф\у} = \frac{3340,1}{2495,1} \cdot 100 = 133,9 \%$$

Демак, ўсиш коэффициенти 133,9% ни ташкил қилган.

2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффициенти. Бу кўрсаткич икки хил усул билан аниқланади:

$$1) K_{аф\у} = \frac{845}{2495,1} \cdot 100 = 33,9 \%$$

$$2) \text{ёки } 133,9 - 100 = 33,9 \%$$

Демак, асосий фондлар ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 33,9 % га ошган.

3. Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{аф\э} = \frac{396,4}{2495,1} \cdot 100 = 15,9 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{аф\э} = \frac{425,5}{3340,1} \cdot 100 = 12,7 \%$$

Бирлашма бўйича асосий фондларнинг эскириш даражаси 3,2 фоизга камайган, демак фондлар аҳволи яхшиланган, яроқлилиқ даражаси ошган.

4. Асосий фондларнинг яроқлилиқ коэффициенти:

$$\text{Йил бошида: } K_{аф\я} = \frac{2098,7}{2495,1} \cdot 100 = 84,1 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 15,9 = 84,1 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{аф\я} = \frac{2914,6}{3340,1} \cdot 100 = 87,3 \%$$

$$\text{ёки } 100 - 12,7 = 87,3 \%$$

Асосий фондларнинг яроқлилик даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 3,2 фоизга ошган.

5. Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициенти:

$$K_{a\phi m} = \frac{1359,6}{3340,1} \cdot 100 = 40,7\%$$

Демак, асосий фондлар сафи ҳар хил йўллар билан 40,7 фоизга кенгайтирилган.

6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти:

$$J_{a\phi xч} = \frac{514,8}{2495,1} \cdot 100 = 20,6 \%$$

Йил даврида ҳар хил йўллар билан хўжалик ҳисобидан чиқиб кетган фондлар ҳажми 20,6 фоизни ташкил қилади.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Арифметик ўртача	Arithmetic mean	Арифметическая средняя	шундай илмий қоидага асосланган ўртачага айтиладики, у билан белгининг айрим қийматларини алмаштирилса, уларнинг умумий йиғиндиси ўзгармаслиги ва тўплам бирликлари сонига нисбатан пропорционал тақсимланиши зарур
Асосий фондлар	fixed assets	основные фонды	мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўткази борадиган активлар ҳисобланади
Аҳолини такрор пайдо бўлиши нетто коэффиценти	Re-formation of the net rates of population	Коэффициент нетто воспроизводства населения	бутун умри мобайнида бир аёл туққан болаларининг онаси туққан ёшигача яшаганларнинг ўртача сони.
Айланма маблағлар	Current assets	Оборотные средства	хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар.
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social Protection	Социальная защита	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Аҳолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори,

			яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Бандлик	employment	занятость	меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.
Банкрот	bankrupt	банкрот	хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.
Барқарорлик	stability	стабильность	ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
Бевосита инвестиция	direct investment	устойчивость прямых инвестиций	капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.
Бизнес	Business	Бизнес	фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади
Билвосита инвестиция	indirect investment	косвенное инвестирование	воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.
Бозор конъюнктурас	market conditions	рыночные условия	муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг

и			ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.
Бюджет дефицити	budget deficit	бюджетный дефицит	бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик
Глобал молиявий-иқтисодий бозор	Global financial market	Глобальный финансовый рынок	жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона ҳўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.
Давлат бюджети	State budget	госбюджет	давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.
Давлат инвестицияси	State investments	Государственные инвестиции	давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.
Даромаднинг ички меъёри	Standards of internal revenue	Стандарты внутреннего дохода	инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди
Даромад солиғи	income tax	подходный налог	фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиғи ставкалари	Income tax rates	Ставки налога на прибыль	Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.
Диверсификация	the diversification	диверсификация	(лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Диверсификация стратегияси	diversification strategy	стратегия диверсификации	корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир.
Дивиденд	the dividend	дивиденд	акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.
Дисконтланган қоплаш меъёри	To cover the discounted rate	Для того, чтобы покрыть скидку	инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга бўлган қисқа вақт интервали
Жаҳон банки	The World Bank	Всемирный банк	1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган
<u>Институцион бирликлар</u>	institutional units	институционные единицы	активларга эгаллик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш

			хуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.
<u>Истеъмол</u>	consumption	потребление	ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни
<u>Истеъмол баҳолари индекси</u>	Consumer price index	Индекс потребительских цен	истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Ласпейрес формуласи бўйича аниқланади.
<u>Иш кучига сарфланган харажатлар</u>	Labor expenses	расходы на рабочую силу	иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси
<u>Ишсизлик даражаси</u>	The unemployment rate	Уровень безработицы	ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади
<u>Иш ҳақи</u>	Remuneration	зарплата	жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳаққи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.
<u>Ишлаб чиқариш</u>	production	производство	маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати

<u>Ишчи кучи бозори</u>	Labor market	рынок труда	– иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.
<u>Иқтисодий фаол аҳоли</u>	The economically active population	Численность экономическ и активного населения	ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.
<u>Иқтисодиёт активлари</u>	The assets of the economy	активы экономики	объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар якка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф кўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади
<u>Иқтисодиётнинг реал сектори</u>	The real sector of the economy	Реальный сектор экономики	иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
<u>Иқтисодий ночор корхоналар</u>	Insolvent enterprises	Несостоятель ных предприятий	муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона
<u>Йўриқнома</u>	instructions	инструкция	(инструкция) деб қўзатиш дастурида қўзланган

			белгиларни бир хил талқин этишва тушунишни таъминлайдиган кўрсатмалар мажмуасига айтилади.
Кузатиш объекти	monitoring facility	объект наблюдения	бу ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнлар, яъни корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлар, кишилар, оилалар, уй хўжаликлари, ва ҳоказоларни уларнинг фаолияти жиҳатидан қаралган тўплами
Комбинацион жадвал	combination al table	комбинационная таблица	эга қисмида объектларни иккита ва ундан ортиқ белгилари асосида гуруҳлаш натижаларини акс эттирадиган жадвалдир
Мода	mode	мода	тўпланда энг кўп учрайдиган белги қийматига аталади. Дискрет қаторларда у энг кўп соҳиблар (варианталар) сонига эга бўлган варианта қиймати билан белгиланади.
Медиана	median	медиана	тўпламни тенг иккига бўлувчи белгининг қиймати тушунилади
<u>Миллий бойлик</u>	national wealth	национальное богатство	кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади.
Миллий стандарт	national standard	национальный стандарт	муайян мамлакат миқёсида, халқаро стандарт эса-бутун жаҳон ёки мамлакатлар бирлашмаси миқёсида ҳодисаларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни

			қайд қилишда қўлланадиган умумий талаб, тартиб ва контсептсиялар мажмуасидир.
Мутлақ кўрсаткичлар	Absolut index	Абсолютные показатели	ўрганилаётган ходисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлақ миқдорлар ходисалар ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди
Масштаб	scale	масштаб	кўрсаткичларни текисликдаги тасвирий нисбатларга айлантирувчи шартли меъёрдир
<u>Номинал иш ҳақи</u>	Nominal wage	Номинальная заработная плата	пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди
Оммавий ходиса	mass phenomena	массовые явления	бирор объектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси.
Оммавий жараён	mass events	массовые события	бу объектлар тўпламида содир бўлган воқеалар оқими ва унинг характери, уларнинг ривожланиш даражалари, тўплама ходисалар кечишидаги (ҳаракатидаги) ўзгаришлар
<u>Резидент</u>	resident	резидент	нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар).
Статистика	Statistics	Статистика	оммавий ходиса ва жараёнларни аниқ вақт ва замонда сифат ҳамда миқдордан ажралмаган ҳолда ўрганади

Статистика услубияти	Statistical method	Статистический метод	оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика назарияси ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси
Статистик тадқиқот	Statistical investigation	Статистическое исследование	иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва уларда ўзига хос усуллар қўлланади
Статистик кўрсаткичлар	Statistic indexes	Статистические показатели	statistical method маълум макон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади
Таснифлаш	Classification	Классификация	ўрганилаётган ҳодисаларни тартиблаш мақсадида уларнинг муҳим белгиларига қараб гуруҳларга, туркумларга ва ҳоказоларга ажратишдир.
Таққослаш	Compare	Сравнение	турли кўрсаткичларни айирма ёки бўлиш йўли билан ўзаро солиштиришдир
Фасет	bezel	Фасет	хар бир тасниф бирликларини номма-ном ёзиб чиқиш рўйхати
Ценз	qualification	Ценз	кузатиш объектини аниқловчи меъёр, белгилар тўпламидир

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: “Халқ сўзи” 28.12.2018.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февралдаги № 4958-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги № 2909 -сонли Қарори.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 2017 йил 1 мартдаги №107-сонли буйруғи.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 13 мартдаги №138-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 15 апрель, № 75 (6769).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш

Давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель, № 77 (6771).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 5 май, № 90 (6784).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. - // Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрель, № 79 (6773).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. - // Халқ сўзи, 2017 йил, 2 май, №86 (6780).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб – қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори Халқ сўзи, 2017 йил 22 июнь, №123.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. -// Халқ сўзи, 2018 йил 31 октябрь, № 225 (7183).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги ПФ-5264-сон Фармони. 2017 йил 29 ноябрь.- lex.uz.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 мартдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.13.2018 й.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури” ПФ-5635-сон [Фармони](#). 17.01.2019 й.

21. Мирзиёев Ш.М. Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш-рахбарлар фаолиятининг асосий мезонидир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель, №73 (6767).

22. Мирзиёев Ш.М. Асосий мақсадимиз – мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 28 апрель, №84 (6778).

II. Махсус адабиётлар.

1. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA. ҳисобот year.
2. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
3. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
4. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 бет.
5. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo’jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 бет.
6. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект, ҳисобот. – 448 стр.
7. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, ўтган. – 368 с.
8. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
9. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
10. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
11. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. ҳисобот year.
12. Аюбжонов А.Ҳ., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Статистика” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ўтган. – 180 бет.
13. Улитина Е.В. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, ўтган. – 312 стр
14. Статистика. Практикум. Учебное пособие. / Под ред. В.Н. Салина. – М.: КНОРУС, 2014. – 496 стр
15. Аюбжонов А.Ҳ. “Статистика” фанидан ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 145 бет
16. Теория статистики. Учебник. Под ред. Р.А.Шмойловой. – М.: Финансы и статистика, ўтган. – 655 стр.
17. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. ҳисобот. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2017. - 130 стр.

Интернет ресурслари

18. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

19. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

20. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

21. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

22. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

23. www.minesonotni.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

24. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг сайти.